Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 189 (20. 456) • 1989 йил 16 август чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

14 август куни СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди, мажлисда 1990 йилда СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг Давлат плани ва СССР Давлат бюджети лойиҳалари кўриб чиқилди.

Тақдим этилган лойиҳалар СССР халқ депутатлари съездининг принципиал йўл-йўриқлари ва мамлакат Олий Совети сессиясининг қарорларига таянади, мазкур лойиҳалар корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг, СССР министрликлари ва идораларининг, иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг таклифлари асосида тузилган.

Мажлисда шу беш йилликдаги ва айниқса шу йилдаги иқтисодий аҳвол батафсил таҳлил қилинди, вужудга келган вазиятни бартараф этишнинг асосий йўллари белгиланди. Ҳамма ерда бошқарувнинг иқтисодий методларига ўтилганлиги ва бошқарувнинг демократиялашувига, халқ хўжалигида жуда ўткир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган жуда катта структура ўзгаришлари бошланганига қарамай мамлакат экономикасида сўнгги вақтда пайдо бўлган бир қанча салбий тенденциялар вазиятни жиддий тарзда мураккаблаштирди. Кўпгина халқ истеъмоли моллари, аввало озиқ-овқат моллари тақчиллиги тобора сезилиб турибди, пулнинг қадрсизланиш жараёни кучайди, давлат бюджетининг камомади секин озаймоқда, жамиятда ижтимоий кескинлик кучайди, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми сезиларли даражада пасайиб кетди.

Иқтисодий аҳволнинг янада ёмонлашувини тўхтатиш, даромадлари кам бўлган аҳоли турли группаларининг турмуш даражасини кўтариш, бутун халқнинг фаровонлигини ошириш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида СССР Министрлар Совети 1990 йил плани ва бюджети лойиҳаларида алоҳида тадбирларни белгиламоқда. Бу тадбирлар истеъмол бозори ва пул муомаласини анча яхшилашга, бўлажак ўн учинчи беш йилликда халқ хўжалигини янада ривожлантириш учун замин яратишга қаратилгандир.

Белгиланган режаларни амалга ошириш мақсадида СССР ҳукумати келгуси йил учун сўзсиз устун бўлган йўналишларни белгилаб чиқди. Бу озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, ижтимоий соҳанинг моддий базасидир. Шу муносабат билан совет кишиларининг турмуш шароитларини яхшилашга бевосита боғлиқ бўлган тармоқлар манфаатларини ўйлаб ресурсларни шу тармоқларга кўпроқ йўналтириш зарурати пайдо бўлади.

Мажлисда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тўғрисидаги масала диққат-эътибор билан кўриб чиқилди. Айрим иттифоқдош республикалар, айниқса Украина, Қозоғистон, Латвия, Эстония республикалари шундай лойиҳа ечимларини тақдим этдиларки, буларда КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил март Пленуми қарорларида белгилаб берилган ҳажмларга нисбатан озиқ-овқат товарлари етиштиришда қолоқлик бўлиши қайд этилган. СССР ҳукумати Министрлар Советларининг ана шундай позициясига рози бўлмади ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига мазкур масалани қўшимча тарзда ўрганиб чиқишни топширди, бунда шуни назарда тутиш керакки, ҳозир биринчи навбатда худди ана шу республикалар аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга ҳам, бошқа барча ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳам жавоб берадилар.

Хўжалик ҳисоби ва ўзиниўзи пул билан таъминлаш принципларига ўтиш шароитида, янги хўжалик механизми ҳали етарли даражада пишитирилмаган бир вазиятда халқ хўжалигининг айрим тармоқларида моллар ҳажми тегишли даражада ортмасдан аҳолининг муайян группалари қўлида пул даромадлари жуда кўпайиб кетди. Оқибатда истеъмол бозоридаги мувозанатсизлик кучайди.

Мажлис иштирокчилари шу йилнинг апрель ойидеёқ бошланган 1990 йилда иноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан изчил ишни таъкидлаб, химия-ўрмон, машинасозлик ва мудофаа комплекслари министрликларини, шунингдек Қозоғистон, Белоруссия, Грузия, Туркманистон, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ҳукуматларини қаттиқ танқид қилдилар, улар ўз планларида товарлар ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг яқ-қол кўринган турган пасайтирилган ҳажмларини таклиф этдилар. Мудофаа тармоқларининг диққат-эътибори конверсияни жадаллаштириш зарурлигига қаратилди, бундай конверсия товар бозорининг тўлдирилишига катта ёрдам бериши керак.

План ва бюджет лойиҳаларини муҳокама қилиш чоғида мамлакатнинг кўпгина регионларида, жумладан Озарбайжон, Грузия, Латвия ва Қирғизистон иттифоқдош республикаларида ижтимоий-маданий соҳа объектлари қониқарсиз, анча қолоқликка йўл қўйиб қурилаётгани хусусида жуда ташвишланиб гапирилди. СССР ҳукумати иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари, министрликлар ва идоралар зиммасига бу ишда тартиб ўрнатишни ва йил охирига қадар бой берилган имкониятнинг ўрнини қоплашни юклади. Келгуси йил плани лойиҳасига келганда шуни айтиш керакки, давлат капитал маблағлари умумий ҳажмида ноишлаб чиқариш соҳасининг салмоғини анча кўпайтириш мўлжелланди.

Экономикани молиявий жиҳатдан соғломлаштириш муаммоси чуқур таҳлил қилинди. Мамлакат молиясини танг аҳволдан чиқариш ва 1990 йилдеёқ Давлат бюджети камомадини анча қисқартириш стратегик вазифадир. Шу мақсадда белгилаб чиқилган режалар орасида ишлаб чиқариш соҳасида давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағларини қарийб учдан бирга қисқартириш, мудофаага кетадиган харажатларни ва бошқарув аппарати учун бўладиган харажатларни анча камайтириш, шунингдек оғир саноат учун чет эллардан ускуна ва материаллар сотиб олишни анча қисқартириш сингари тадбирлар бор. Шу ва шунга ўхшаш тадбирлар 1990 йилда давлат харажатларига нисбатан давлат даромадларининг илдамроқ ўсиб боришини таъминлашга имконият беради. Шу билан бир қаторда бир қанча иттифоқдош республикалар келгуси йилда ҳам халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши ҳамда аҳолига пулли хизмат кўрсатишнинг ортиши билан таъминланмайдиган ортиқча пул чиқаришга яна кўз тутмоқдалар. СССР ҳукумати бундай ёндашувга йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди ва тегишли лойиҳа ечимларини қайтадан кўриб чиқишни талаб қилди.

СССР Министрлар Советининг мажлисида сўзга чиққан ўртоқлар тиғиз қопширилар, айниқса ижтимоий соҳадаги ана шундай топшириқлар ишончли моддий мувозанатни талаб қилиши хусусида гапирдилар. Вақолонки, ҳозирги вақтда корхоналарнинг кўпгина коллективларида ўзларининг группавий манфаатларини ўйлаб турдош корхоналар билан шартномалар тузмаслик, мажбуриятларни бажармаслик, таркиб топган кооперация алоқаларини бузиш майллари аниқ-равшан кўриниб турибди. СССР ҳукумати бутун халқ хўжалиги ишининг нормал маромни бузилишига олиб келадиган бундай практикани қоралади ва СССР министрликларидан ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари Раисларидан бундай ҳодисаларнинг пайини қирқишни талаб қилди.

СССР Министрлар Совети иқтисодий ислоҳотнинг ҳар жиҳатдан чуқурлашуви ва комплекс тарзда амалга оширилиши, республикаларнинг ўзини-ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши шундай бир омилдирки, бу омилдан фойдаланиш якин истиқболда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишини таъминлайди, деб таъкидлади. Айни вақтда СССР ҳукумати Белоруссия, Литва, Латвия ва Эстония иттифоқдош республикаларининг Министрлар Советларига 1990 йилнинг 1 январидан бошлаб хўжалик юритишнинг янги методларига ўтишга тайёргарлик суст бораётганлигини кўрсатиб ўтди ва уларга, шунингдек СССР Давлат план комитети ва Молия министрлигига шу якин орада янги хўжалик механизмини бунёд этишнинг муҳим босқичини ниҳоясига етказишни топширди.

1990 йил плани ва бюджети лойиҳалари тўлдирилганидан кейин СССР Министрлар Совети бу ҳужжатларни белгиланган муддатда СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этади.

СССР Министрлар Советининг мажлиси ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар А. П. Бирюкова, А. В. Власов, Ю. Д. Маслюков қатнашдилар.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков олиб борди ва нутқ сўзлади.

(ТАСС).

XII БЕШ ЙИЛЛИК

АВГУСТ-ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ

Пахтакор ўртоқлар!

● Ҳосил тўплашда ҳал қилувчи давр — асад ойи давом этмоқда. Ғўза парваришини янада кучайтириб, ҳосил нишоналарининг кўпайиши ва кўсакларнинг тезроқ етилишини таъминлайлик!

● Қардош Озарбайжон, Туркманистон ва Тожикистондан келган мусобақадошларнинг дўстона маслаҳатлари ва беғараз танқидлари мўлжалдаги хирмонларни бунёд этишда қўл келади.

● Йўл қўйилган камчиликларга зудлик билан барҳам берилсин!

● Бу йилги вазият пахта йиғим-теримини ғоятда қисқа муддатларда ўтказишни талаб қилмоқда. Долзарб мавсумга пухта ҳозирлик кўринг.

● Далада ишлаётганлар учун қулай шарт-шароит яратиш — меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим шартидир.

• Ўзаро текшириш якунлари чиқарилмоқда

БРИГАДИРИНГИЗ БИЗГА ҲАМ ЎЗ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАТСА

● Тожикистон ССР Хатлон области ўзаро текшириш бригадасининг бошлиғи, область агросаноат бирлашмасининг раиси У. Ш. Шокиров жўнаб кетиш олдидан ана шундай кутилмаган илтимос билан мурожаат қилди. Андижон область Москва районидаги «Правда» колхози бригадири Фозилжон Иброҳимов тўғрисида гап борарди. Унинг коллективи суғорилдиган ҳар гектар ердан самарали фойдаланишнинг бой тажрибасига эга. Меҳмонларни қизиқтирган тажрибадан юртдошларимиз ҳам хабардор бўлсалар, фойдали бўлур эди.

116 кишидан иборат мазкур бригада аъзолари икки йилдан буён иссиқ овқат билан бепул таъминланадилар. Деҳқонлар ўзлари учун областда энг яхши ёрдамчи хўжаликлардан бирини ташкил этдилар: ўтган йили бу ерда ҳар бир ходимга ўрта ҳисобда 64 килограммдан гўшт етиштирилди. Пахтазорлар қисқартирилиши эвазига бўшаб қолган 10 гектар ерга сабзавот ва қовунтарвуз экилди. Плёнка остида етиштирилган эртаки карам ҳосилидангина деҳқонлар бригада ҳамёнига 21 минг сўм даромад келтирдилар. Ана шу майдонларда силос учун маккажўхори етиштирилмоқда. Маккажўхори йиғиштириб олингандан кейин бу ерга кузги сабзи экилади. Бир даладан йилига уч марта ҳосил олиш бригада учун норма бўлиб қолди.

Ёрдамчи хўжаликда 10 гектар майдондаги мевали боғ бўлиб, йўл четларига узум, ариқ ва дала бўйлаб уч минг туп терак қўчати экилган.

Бригада йил бошидан бери сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева ва гўшт сотишдан 84 минг сўм фойда кўрди. Пахтадан ҳам яхши ҳосил етиштирилиши қутилмоқда. Шунинг учун ҳам тожикистонлик деҳқонлар Ф. Иброҳимовни ўз ҳузурларига таклиф этмоқдалар.

Бироқ улар областнинг Москва, Бўз, Комсомолобод, Хўжаобод, Жалолқудуқ ва бошқа районларидаги кўпгина хўжаликларда бўлсаларда, бошқа ҳеч кимга бундай таклиф билан мурожаат этмадилар. Улар пахтачилик ва ем-хашак етиштириш соҳасидаги бир қанча нуқсонларга, ғўзани суғориш борасида назоратнинг суслигига, ҳақиқатан ҳам мана шу қизғин кунларда сувчилар ва механизаторлар меҳнати муносиб даражада рағбатлантирилмаётганлигига андижонликларнинг эътиборини қаратдилар. Мана шу камчиликлар мавжудлиги учун ҳам баъзи далаларда ғўза ўсишдан орқада қолмоқда. Усимликларга етарли миқдорда органик ўғит берилмаган, ғўзага қишлоқ хўжалик зараркунандалари тушган. Дефолиацияга тайёргарлик ва терим техникасини ремонт қилишда ҳам сусткашлик сезилаётганлиги айтиб ўтилди. Эҳтимол, мана шу хўжаликларга ҳам билимдон раҳбарлар зарурдир?

К. НИЗОМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИНИ АМАЛДА ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК

● Озарбайжон ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари Бухоро области меҳнаткашлари билан танишувни пахта далаларидан эмас, балки деҳқонларнинг томорқаларидан бошладилар. Улар ўз сафарларига якун ясар эканлар, Олот районидаги Файзулла Хўжаев номли колхоздан Юсуф Махсумов бошлиқ ижарачи фермининг иш тажрибасини қайд этдилар. Оилавий коллектив парваришлаётган бўқаларнинг ўртача вазни гўштга топширишдан олдидан 430 килограммга етмоқда, ўтган йили бу ерда 30 тонна гўшт етиштирилиб сотилган эди. Ҳозир ижарачилар колхознинг сут-товар фермасини ўз қарамоғига олишни мўлжалламоқдалар.

Областда қишлоқ аҳли билан биргаликда иш олиб боришнинг хилма-хил шартнома формаларидан фойдаланилмоқда. Баъзилар оилавий фермалар ташкил этсалар, бошқалар ем-хашак, сабзавот, мева етиштирмоқдалар. Яқин келгусида ҳар бир деҳқон ҳонадонида чўпроқ фермалар ташкил этиш, чорвачилик кооперативлари тармоғини кенгайтириш, пахтазорлар самарадорлигини ошириб, уларнинг майдонини қисқартириш ва шунинг ҳисобига ем-хашак етиштиришни кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Навоий номли колхозда пахтачиликни интенсивлаш тўғрисида гап борди. Бу ерда пахтазорлар 1200 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган. Барча участкалардаги ғўзалар яхши ривожланмоқда. Бу йил сифатли тола олишга асосий эътибор берилмоқда. Бу ерда ҳам меҳ монлар тажриба алмашдилар.

Областнинг Қоракўл, Вобкент, Ғиждувон, Навоий ва бошқа районларнинг пахтакорлари озарбайжонлик ҳамкасбларидан фойдали маслаҳатлар олдилар. Меҳмонлар Қоракўл районидаги Ленин номли колхозда ғўзаларни суғориш ва чеканка қилиш кечикаётганини ҳам назардан четда қолдирмадилар. Вобкент районидаги Калинин номли колхозда терим техникасини мавсумга тайёрлашда сусткашлик қилинаётганлиги айтиб ўтилди. Дўстлар билан биргаликда камчиликларни бартараф этишнинг аниқ-пухта чоралари белгиланди.

К. БАҚОЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

ИШТИЁҚ

Сирдарё область. Зомин районидаги И. Қурбонов номли колхоз меҳнаткашлари айни кунларда августнинг ҳар бир кунидан самарали фойдаланиб, мўл ҳосил етиштиришга ҳаракат қилаётирлар. Улар шу мақсадда ғўзаларни меҳр билан парваришламоқдалар. Вақтида суғориб, вақтида сифатли культивация қилиш туфайли ниҳоллар кундан-кунга яшнаб, киши кўзини қувонтирмоқда. Шу туфайли кўсаклару, ҳосил тугунчаларн кўпайиб бораётир. Айни пайтда хўжалик миришкорлари ғўза чеканкасини қизғин олиб бораётирлар. Қатор оралари бегона ўтлардан тозаланиб, машина теримибоп қилиб ўстирилмоқда. Бугунги кунда азаматлар ғўза парваришини кучайтириш билан бирга терим мавсумига ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Хўжаликда ўтказилаётган социалистик мусобақада Муҳаммад Исмоилов етакчилик қилаётган оилавий звено пешқадамлик қилмоқда. Коллектив 7 кишидан иборат. Уларнинг ғайрат-шижоати туфайли 36 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилмоқда. Пудратчиларнинг нияти — бу йил ҳар гектар ердан пландаги 21 центнер ўрнига 25 центнердан хом ашё йиғиштириб олиш.

Суратда: звено бошлиғи Муҳаммад Исмоилов , Улмасхон Комилова, Тоҳир Аҳмедов ҳамда Ўрол Сатторовлар пахтазорда.

У. ҚУШВОҚОВ сурати.

МИРИШКОРЛАР ДАЛАСИДА

Бригадир дала айланиб юриб, кимдир чақираётганини эшитиб қолди. Қараса, Шариф сувчи. Оғзи қулоғида, ҳадеб қўл силкийди. Бригадир илдам қадамлар билан унинг олдига келди.

— Жаббор ака, буни қаранг, манави ғўзада 45 та ҳосил нишонасини санадим. Кўсагининг ўзи бешта.

Жаббор ака ғўзага разм солди. Шарифнинг гапи рост. Ҳосил мўл.

— Баракалла, — деди у қаддини ростлар экан, — ҳақиқий меҳнат бундоқ бўлибди. Насиб бўлса, теримни биринчилардан бўлиб бошлаб берамиз. Энди бу ёғига бўшашмаслигимиз керак.

У сувчиларга топшириқ бергач, механизаторлар ишлаётган майдон томон йўл олди. Ғўза қатор оралариига берилаётган ишлов билан қизиқди. Юмшатилган ернинг намлигини текширди. Сўнгра шийпонга қайтди. Шийпон олдидаги ишком остида бир пиёла чой ичаётганди, бир челак картошка кўтариб келаётган қизга кўзи тушди.

— Бозорга тушдингми? — сўради бригадир ҳар бири муштдек-муштдек келадиган картошкага ҳавас билан қараб.

— Ўзимизники. — Саботат қўли билан чеккадаги пайкалга ишора қилди. — Ошпаз опа ҳам югур-югурдан қутилди.

Бригадир ўйланиб қолди. Йил бошида бригада аъзоларининг тушлик, кечки овқати учун сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришга 1 гектар ер ажратиб беришларини сўраганда, раҳбарлар кўнишмади. Аммо Жаббор ака ҳам оёғини тираб туриб олди. То ер ажратмагунларигача тортишаверди. Охири розилик беришди. Фақат бир шарт билан, коллектив ўша бир гектар ер ҳисобига ҳам 35 центнер пахта бериши керак.

Ҳаёлга берилган бригадир колхоз агрономи Мейли Жумаевнинг келиб қолганини сезмай қолди.

— Жаббор ака, ҳорманг, — деди у бригадирга қўл узатар экан. — Катта йўл ёқасидаги картангизга ҳашорот тушибди, олтингўрт чангитиш керак.

Жаббор Султонов ўрнидан туриб, яна далага йўл олди. Бу кишининг суяги асли тоғу тошда қотган. Ўшанда Ҳисор тоғ тизмалари ён бағридаги Чўянли қишлоғига укаси меҳмонга келиб, иккови роса дардлашишган эди. Суҳбат мавзуи оилдаги етишмовчиликлар, ишдаги ютуқ-камчиликларга келганда укаси:

— Менга қаранг, ака, бизнинг колхозга ишга келсангиз-чи, — деб қолди. — Ишимиз ёмон эмас. Пахтада даромад кўп.

Жаббор ака рози бўлди. Тоғдан Яккабоғ районидаги «Қизил юлдуз» колхозига кўчиб келди. Пахтачиликда ишлай бошлади. Ҳалол меҳнати туфайли тез орада обрў-эътибор топди. Одамлар унга ишонч билдиришиб, бригадир қилиб сайлашди. У коллектив етакчиси сифатида ҳам фидокорлик кўрсатди. Бугунги кунда илғор пахтачилик бригадасини бошқараётган, 20 йиллик тажрибага эга бўлган коммунист бободеҳқоннинг кўксини иккита «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, қатор медаллар безаб турибди.

— Ғўзаларимизнинг ривожи яхши. Пайкаллар бегона ўтлардан холи, — дейди биз билан суҳбатда Жаббор ака.

Бригадамиз аъзоларининг унумли меҳнат қилишлари учун имкон яратилган. Дала шийпони намунали жиҳозланган. Тушликка иссиқ овқат тайёрланмоқда. Биз-ку ишлаяпмиз. Пахта теримини ўз муддатида бошлаймиз. Аммо колхозчилар меҳнатларига яраша иш ҳақи олишяпти, деб бўлмайди. Бунинг устига улар 40-45 даража иссиқда ишласалар-да, қўшимча ҳақ тўланмайди. Ҳолбуки, совуқ жойларда ишлаётганларга қўшимча ҳақ берилади. Пахтанинг харид нархини ошириш ҳам бугуннинг энг долзарб муаммоси бўлиб турибди.

С. ИКРОМОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТДАГИ «ПОДЪЕМНИК» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА СССР ОҒИР МАШИНАСОЗЛИК МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ЧЕХОВ ЭНЕРГЕТИКА МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИНИНГ ИЛҒОР ИШЧИЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ускуналар ва механизмларнинг янги турларини яратиш ва ўзлаштиришга катта шахсий ҳисса қўшганлиги, меҳнатда юксак кўрсаткичларга эришганлиги учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Чуприн Евгений Иванович — бирлашманинг бош директори.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Холмуротов Турғун — бирлашманинг собиқ бош энергетиги, ҳозир давлат қабулининг раҳбари.

ҲУРМАТ ОРДЕНИ БИЛАН

Мешчеринов Виктор Николаевич — катта мастер.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Дегтярёва Зоя Григорьевна — бўёқчи.

Свириденко Евгений Владимирович — инженер-конструктор.

Филатов Сергей Павлович — Чехов энергетика машинасозлиги заводининг токари, Москва области.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИК УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Микрюков Виктор Павлович — йиғувчи-слесарь.

СССР Олий Советининг Раиси
М. С. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1989 йил 14 август.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

● АШХОБОД

Мазкур шаҳарнинг «Трактор» деб аталган стадионида инвалидларнинг спорт ўйинлари ўтказилди. Бу ўйинлар «Узингни қўлга олсанг, голиб чиқасан» деган шиор остида ўтди. Унинг қатнашчилари инвалидлар аравалари пойгасида, ядро улоқтиришда ҳамда пневмомилтиқдан ўқ отишда мусобақалашдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Д. Д. БЕРКОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Ўртоқ Дмитрий Дмитриевич Берков Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Л. БЕҚҚУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри,
1989 йил 15 август.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ

Дмитрий Дмитриевич БЕРКОВ

1939 йилда туғилган, рус. 1965 йилдан КПСС аъзоси, олий маълумотли, 1961 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган, инженер-гидротехник.

Меҳнат фаолиятини 1961 йилда «Ставропольстрой» бошқармасининг қурилиш-монтаж участкасида прорабликдан бошлаган, сўнг шу системада участка бошлиғи, бош инженер, кўчма механизациялашган колонна бошлиғи бўлиб ишлаган. 1973 йилда партия ишига кўтарилади: КПСС Ставрополь ўлка комитетида инструктор, бўлим мудирининг ўринбосари бўлган. Ставрополь шаҳар ижроия комитетининг раиси қилиб сайланган.

1978 йилдан 1985 йилгача КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимида инструктор бўлиб ишлаган. У 1985 йилда Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари, 1988 йилнинг августида эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ЖАМОАТЧИЛИК ЙИҒИЛИШИ

Ҳиндистон Республикаси миллий байрами — мустақиллик куни муносабати билан 15 август куни Тошкентда шаҳар жамоатчилигининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган ҳинд талабалари, меҳмонхона комплексини бунёд этишда ишлаётган мутахассислар қатнашдилар.

Сўзга чиққан кишилар эркин ривожланиш йўлидан бораётган Ҳиндистон сўнгги вақтда миллий экономика, фан ва маданиятни юксалтириш ишида жуда катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидладилар. Бугун олий даражада бўлаётган мунтазам учрашувлар натижасида Совет — Ҳиндистон ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги марраларга чиқмоқда. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ривожланмоқда. Дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам мустаҳкамланади, деган ишонч билдирилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри С. О. Азимов қатнашдилар.

Йиғилишда Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги бош консули Й. Кумар нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

• *Партия турмуши: қайта қуриш қандай бормоқда?*

ОБРЎ ЎЗ-ЎЗИДАН КЕЛМАЙДИ

Ростига кўчганда, турғунлик йиллари коммунистлар йиғилишларга партия аъзоси бўлганликлари учун ноилож-ликдан иштирок этардилар. Партия йиғилиши бўладиган куни сабаб ҳам кўпайиб қоларди. Кимнингдир «жуда ҳам зарур иши» чиқарди, бошқа биров «уйига доктор чақирган» бўларди. Хуллас, иложи бўлса-ю, йиғилишда қатнашмаса. Хўш, нега? Чунки партия йиғилишининг обрўси тушиб кетганди. Коммунистлар йиғилишларда билдирган таклиф-мулоҳазалари зое кетганини кўриб, хафсалалари пир бўлганди. Тўғри-да, кўпчиликнинг ўртасида бирон-бир фикр-мулоҳазани айтсангиз, мажлис ҳайъати уни инобатга олса ва бу ҳақда кўпчилик райи билан қарор қилинса-ю, аммо орадан ой ва йил ўтгани билан қарорнинг ижроси амалда кўрилмаса, бу ҳар қандай актив коммунистнинг ҳам кўнглини совутиб қўйиши мумкин. Илгари, масалан, ўз сафида салкам 240 нафар коммунистни бирлаштирган ва областдаги хўжаликлар орасида энг йирик ҳисобланган партия ташкилотимизда ҳам худди шундай бўлганди. Бу йиғилишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини, коммунистларнинг ташаббускорлиги ва жонкуярлигини сусайтириб қўйган эди.

Ўшанда ишга янги келган кунларим эди. 1984 йилда ўтказилган партия йиғилишининг протокол ва қарорлари билан танишаётган эдим. Хўжаликка яқинда директор бўлиб келган Рўзибой Ҳайдаров хонага кирида «Аҳвол яхши эмас-ку, ўртоқ партком, эплаб кета оларминикмиз?» деди. Директорнинг бу гапларида жон бор эди. Совхоз қолоқлашиб, районни орқага тортиб турганди. Айниқса чорвачилик ночор аҳволда эди. Моллар сил касалликларига чалинган, хўжаликнинг кўплаб моли нобуд бўлган, уларнинг ўрнини тўлдириш билан эса ҳеч ким шуғулланмаган эди.

Биргина чорвачилик соҳасида аҳволни ўнглаш билан иш битмасди. Эллигинчи йилларда Шеробод чўлларидаги ер ости сув манбасини ўрганган экспедиция бурғучилари 110 метр чуқурликдан сув топган, шу сабабли Бешқўтон, Таскент даштларида ер ости суви юзага уриб, тупроқни шўр босган, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати бутунлай бузилган эди. Бу ерларда пахта у ёқда турсин, ҳатто йўнғичқа, маккажўхори ундириш ҳам мушкул эди.

Биргина партия ташкилоти секретари билан совхоз директори сутканинг йигирма тўрт соатида ишласа ҳам бу ва бошқа нуқсонларни тугатишга кучлари етмайди. Шунинг учун мен Р. Ҳайдаровга: «Бу саволингизни коммунистларга берайлик-чи, улар нима дейишаркан?» дедим. Бу гап директорга маъқул тушди. Очиқ партия йиғилиши ўтказмоқчи бўлдик. Унга совхознинг ҳамма мутахассисларини таклиф қилишни ҳам режалаштирдик. Шу ўринда бир ҳақиқатни айтай. 1985 йилга қадар хўжаликда асосан ёпиқ партия йиғилишлари ўтказилган. Чунки илгари қандай масала муҳокама этилишидан қатъи назар, партия йиғилиши ёпиқ бўлиши керак деган нотўғри хулоса қоида бўлиб қолган эди. Шунинг учун унга коммунист бўлмаган мутахассислар қатнаша олмас эдилар. Партия ташкилотининг халқдан ажралиб қолганлиги, унинг обрўсига бир қадар путур етганлиги сабабларини, эҳтимол, худди ана шундан излаш керакдир.

Хуллас, биз «тартиб»ни буздик. Ўшанда партия йиғилишини ўтказиш тартибига «тузатиш» ҳам киритдик. Одатдагидек доклад тайёрланмади. Тўғридан-тўғри коммунистлар билан фикр-мулоҳаза алмашув бошланди. Қарор ҳам шу йиғилишнинг ўзида, билдирилган таклифлар асосида ёзилди. Тўғри, қарорда жумлалар мукаммал ёзилмаган, грамматик қоидаларга тўла риоя этилмаган бўлиши ҳам мумкин, аммо вазифалар аниқ ва реал эди. Чунки бу вазифаларни биз хонада ўтириб, «ижод» қилмаган эдик. Уни коммунистларнинг ўзлари айтгандилар. Ўшанда йиғилиш тугагач, коммунистларнинг очиқ чеҳра билан бирбирларининг қўлларини қисиб табриклаганларини кўрганман. Улар очиқ-ошкора баҳсдан, таклифлари инобатга олинганидан йиғилиш давом этган 2,5 соатлик вақтларига ачинмаган эдилар. Бу йиғилиш ўз самарасини берди. У коммунистларнинг активлигини оширишга хизмат қилди.

Орадан кўп ўтмай, қолоқ участкаларга бориб ишлаб, уларни илғорлар сафига қўшиш истагини билдирган коммунистлар сони ҳам кўпайди. Масалан. Абдурасул Умрқулов қолоқ фермага мудир бўлиб борди. Икки йилда сут етиштириш планининг 90 процент бажарилиши таъминланди. Бундан биз хурсанд эдик. Чунки 50 процентга ҳам етмайдиган кўрсаткичдан юзимиз шувит бўлиб қолганди. Ўтган йили эса сут тайёрлаш топшириғини ошириб бажардик. Бедо, ғалла, маккажўхори, полиз майдонлари кўпайди, уларнинг ҳосилдорлиги ошди. Учта молхона қайта қурилди. Сут соғиш тўла механизациялаштирилди. Бошқа соҳаларда ҳам шундай силжишлар бўлди.

Сал олдинроқ бўлса ҳам айтай. Энди коммунистлар сут планини бир амаллаб бажаришни эмас, балки сифатли сут топшириш масаласини қўймоқдалар. Ўтган йиғилишда улар «Сут сифати ферманинг ўзида аниқлансин» деган талаб билан чиқдилар. Биз сутни хўжаликдан 70—80 километр наридаги сут комбинатига олиб бориб топширамиз. Фермада тонна сутни паст сортга қабул қилишган. Пахтачилик, сабзавотчилик, полиз маҳсулотларини қабул қилишда ҳам ана шундай ҳоллар рўй беряпти. Бунга энди йўл қўйиб бўлмайди.

Баъзи партия ташкилотлари секретарлари кўпинча вақтларини қандай ўтказишни билмай юрадилар. Мен бунинг сабабини яхши биламан. Улар хўжалик раҳбаридан топшириқ кутадилар. Партия йиғилишида айтилган таклиф — партия ташкилоти секретари олдига қўйилган талабдир. Шундай экан, биз иш режаларимизни ана шу таклифлар асосида тузиб олишимиз керак. Ҳозир менинг олдимда турган вазифалардан бири — сут сортини ферманинг ўзида аниқлаш масаласини ҳал этишдир. Баъзи кишилар «Ахир, бу бевосита директорга таалуқли иш-ку» дейишлари ҳам мумкин. Йўқ, бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки, дурустроқ ўйлаб қаралса, бунинг замирида фақат ферма ишчилари даромадини оширишгина эмас, шу билан бирга уларга қулайлик яратиб бериш, қилаётган меҳнатлари қадрига етиш ҳам ётипти. Бу иш билан партия ташкилоти шуғулланмаса ким шуғулланади?

Шу йилнинг январь ойида бўлган йиғилишда 2-бўлим цех ташкилоти секретари Раззоқ Ҳолиқов сўз олди. У ўқувчилардан бир группаси мактабга қатнаш учун қулайлик яратиб беришни коммунист Р. Холиқовнинг таклифини ҳам натижасиз қолдирмадик. Хўжалик дирекцияси билан келишиб, бўлимдан қатнайдиган ўқувчилар учун юк машинаси ажратдик. Уни одам ташишга мослаштирдик.

Аммо бу билан муаммо тўлиқ ҳал этилди, деб бўлмайди. Хўжалигимизда 8 та мактаб бор. Шундан 2 таси ислоҳот талабига қисман жавоб беради. холос. Бошқаларида ўқиш-ўқитиш ишларини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш учун шароит йўқ. Мавжуд еттита болалар боғчасининг 4 тасида ва совхоз касалхонасида ҳам шароит дуруст эмас.

«Шеробод даштларини ўзлаштириш худди шу бизнинг совхоз еридан бошланган. У тўнғич хўжалик, ташкил этилганига ўттиз йил бўлди. Аммо йўлларимиз ҳамон нобоп, уйларимиз газлаштирилмаган. Қишлоғимизда далада ишлайдиган 20 нафар ёш болали она бор. Боғча қурилиши эса ҳали ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келгани йўқ».

Коммунист Ж. Эргашева партия йиғилишларидан бирида ўртага ташлаган бу таклифни бошқалар ҳам қўллаб-қувватлашган эди. Биз унинг таклифини ўрганиб чиқдик. Ҳозирча олдинроқ очилган, бироқ оддий шароитга ҳам эга бўлмаган 2 та болалар боғчасидаги аҳволни яхшилашимиз, у ерда бирмунча қурилиш ишларини бригада аҳолиси ичимлик суви йўқлигидан қийналаётганлигини айтди ва партия ташкилотидан ёрдам сўради. Биз бу ишни директор ўринбосари Х. Худойқулов зиммасига юкладик. Ў Термиздаги яйловларни мелиорациялаш кўчма механизациялашган колоннаси раҳбарлари билан учрашди. Совхоз ўша ташкилот билан шартнома тузди. Қисқа муддатда артезиан қудуғи қазилди. Ҳозир 100 га яқин хонадон ундан фойдаланмоқда.

Сир эмас, кўпгина бошланғич партия ташкилотларида қайта қуриш жуда сust кечмоқда. Бундан кейин муҳокама қилинадиган масала юзасидан доклад ёзилиб, 5—6 кишини сўзга олдиндан тайёрлаб, қарор қабул қилинадиган бўлса, бу партия ташкилоти обрўсига жиддий путур етказади, уни бебурд қилиб қўяди. Биз ҳадеб қарор қабул қилиш, район партия комитетига ҳисобот беришдан кўра, қарор ижросини назорат қилишга кўпроқ эътибор бера бошладик. Назорат қилиш усулимиз мўраккаб эмас. Коммунистга у ёки бу топшириқ партия йиғилишида, кўпчилик олдида берилади. Унинг бажарилиши ҳам кўпчилик олдида сўралади. Бу партия аъзосининг топширилган иш учун масъулиятини кескин оширмоқда.

Совхозимиз тўла хўжалик ҳисобига ўтган. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароити ишни анча пухта ташкил қилишни тақозо этади. Чорва, сабзавот, полиз, бедачилик тармоқларида оиласий пудрат жорий қилинди. Шу йилнинг ўзида 43 та оиласий пудрат звеноси ташкил топди. Натижада хўжаликда 200 киши бекиш қолди. Бунга уй бекалари кирмайди. Агар уларни ҳам қўшадиган бўлсак, совхоз бўйича бу анча кишини ташкил қилади. Мен район Совети депутати сифатида сессияда ушбу муаммога кўпчиликнинг диққатини қаратдим. Шу йил апрель ойида область партия комитети пленумида ҳам шу ҳақда гапирдим. Лекин бир қисм ишчи кучини ҳамон иш билан таъминлай олганимизча йўқ. Коммунистлар кейинги партия йиғилишларида бу муаммони тезроқ ҳал қилишни тобора жиддийроқ қилиб қўймоқдалар. Аммо уни қандай ҳал этиш мумкин? Совхозимиз территориясида бирорта корхона ёки маҳсулотни қайта ишлаш цехи йўқ. Маҳаллий саноат тармоқларини кенгайтириш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Уй бекалари орасида чевар аёллар бор. Бизда каштачилик, гилам тўқиш, кўрпа қавиш, дурадгорлик, темирчилик цехлари очиш мумкин. Аммо шу борадаги талабларимиз ҳали инобатга олинганича йўқ.

Ўтган йил якуни ёмон бўлмади. Асосий тармоқлар бўйича планлар ошириб бажарилди. 1989 йилнинг етти ойлик якуни ҳам совхозимиз меҳнатчилари самарали ишлаганликларини кўрсатди. Хўжалик қолоқликдан чиқиб олди. Ву ютуқлар заминида коммунистлар жонбозлиги мужассам. Биз эса совхоз экономикаси, маданияти, маиший ва социал шароитини юксалтириш билан боғлиқ ҳар қандай таклиф ва мулоҳазаларни тинглашга доим тайёрмиз. Бу таклифларнинг рўёбга чиқиши учун куч-ғайратимиз ва вақтимизни аямаймиз. Зеро, коммунист сўзи ерда қолмасин. Партия ташкилоти ижрочилиги билан кучлидир.

Ш. МИРЗАЕВ,
Сурхондарё область Гагарин районидаги «Янгиобод» совхози партия комитетининг секретари.

• *Газетхон билан мулоқот*

ИНОБАТГА ОЛСАНГИЗ

Куни кеча Андижон область Балиқчи районидаги М. Горький номли совхозда «Совет Ўзбекистони» газетхонлари ва Ўзбекистон телевидениесининг қўшма конференцияси бўлиб ўтди. Унда редакция маданият, фан ва халқ таълими бўлими мудири М. Пирматов газетанинг бугунги ишлари ва режалари ҳақида сўзлаб берди.

— «Совет Ўзбекистони»ни 1936 йилдан буён ўқийман, — деди уруш ва меҳнат ветерани **Ж. МАДУМАРОВ.** — Унда бир қатор эътиборга молик мақолалар эълон қилинади. Афсуски, газетада изчиллик йўқ. Жумладан, газетанинг областимиздаги ўз мухбири А. Қуронбоевнинг Кўрғонтепа районида пахта етиштириш ҳақидаги материали муаммолари ниҳоясига етказилмади. Шу билан бирга мухбирларни таъқиб қилган айрим раҳбарлар ҳақида рўй-рост мақолалар бериш зарур.

Фарид УСМОН, шоир. — Газетадаги ҳар бир мақоланинг амалий ёрдами сезилиб турсин. Йўл-йўриқ, маслаҳат туридаги мақолалар берилмаса, назмга эътибор кучайтирилишини истаймиз.

Муҳиддин СИДДИҚОВ, бўлим бошқарувчиси.

Қишлоқ хўжалик техникалари нархи тобора ортиб бораётир. пахтанинг харид нархи эса ўзгармаяпти. Газета учун бу муҳим мавзу.

Шокиржон АБЛАЗИЗОВ, район маданият бўлими мудири.

— Нафосат, маданият, маънавият мавзуидаги мақолаларни қўллаб-қувватлайман. «Ажойиб одамлар даврасида» туркумида таниқли хонанда Шерали Жўраевга бағишланган мақола ўқишни истайман.

Расулжон АСҚАРОВ, совхоз партия ташкилоти секретари.

— Давлат планлари ҳали ҳам юқоридан белгиланаётир. Бу ҳақда ҳам мақолалар керак.

Усмонжон ШУКУРОВ, шоир.

— Отахон газетамиз ҳар бир ишнинг бошида туриши лозим. Яна бир фикр. Танқидий мақолаларнинг натижаси бериб турилса.

Абдураҳим НАЗАРОВ, мактаб директори.

— «Совет Ўзбекистони»ни севиб ўқийман. Бу йил Ш. Убайдуллаевнинг «Ҳукм устидан ҳукм» мақоласи босилгани учун обуна бўлганимдан розиман. Бундай асарлар кўпроқ берилса. Шу билан бирга баъзи мақолаларнинг беҳад чўзилиб кетаётгани бизни ранжитмоқда...

Конференцияда 21-мактаб ўқитувчиси Н. Мамадалиев, ишчи А. Тўйчиев, У. Мадраҳимов, М. Боймуродова, бригада бошлиғи Т. Юсупов ва бошқалар сўзга чиқиб, газета фаолиятини янада яхшилаш хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларидаги изланишлар, ютуқ ва нуқсонлар ҳақида болалар ва ўсмирлар бош редакцияси бўлим мудири Т. Муллабоев сўзлаб берди.

ТОҒЛИ ҚОРАБОҒДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

Тоғли Қорабоғ автоном областида иш ташлаш тўрт ойдан буён давом этмоқда. Бу СССР Олий Советида Қорабоғ масаласини снёсий жиҳатдан кўриб чиқишни жиддий равишда қийинлаштирмоқда. Тоғли Қорабоғ автоном областини социал-иқтисодий ривожлантиришда қатъий силжиш бўлишига эришишга имконият бермаяпти, региондаги миллатлараро муносабатларнинг ҳолатига гоят салбий таъсир қилмоқда.

Алоҳида бошқариш комитетига ҳар куни ҳам арман, ҳам озарбайжон миллатига мансуб юзлаб кишилар мурожаат қилмоқдалар, ёрдам бериш тўғрисидаги илтимослар, қўполлик ва лоқайдликдан шикоятлар, мансабдор шахсларнинг масалани ҳал қилишдан ўзларини четга олаётгани ҳақида шикоятлар ёзилган хатлар кўплаб келмоқда. Ҳокимият органларининг ўзгача структурасини барпо этиш учун Конституцияга хилоф уринишлар бўлмоқда, гражданларни бўйсунмасликка, очиқдан-очиқ қуролли кураш бошлашга даъватлар эшитилмоқда. Ана шундай шароитда алоҳида бошқарув комитети, областда район ҳарбий комендатураси жамоат хавфсизлигини сақлаш, нормал ҳаётни таъминлаш, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туриш, областда юз берган қаттиқ қурғоқчилик оқибатларига қарши кураш юзасидан асосий ташвишларни ўз зиммаларига олишга мажбур бўлдилар.

СССР Министрлар Совети, мамлакат министрликлари ва идоралари катта ёрдам бермоқдалар. Тоғли Қорабоғ автоном области колхоз ва совхозларининг ўнлаб миллион сўм қарзлари юзасидан тўловлар кечиктирилди. Россия, Украина ва Молдавиядан уруғлик ва омихта ем келтирилмоқда. Ставрополь ва Краснодар ўлкаларида пичан ва сомон тайёрланмоқда. СССР Госплани ва СССР Сув хўжалиги қурилиш министрлиги мутахассислари жойларда янги сув омборлари қуриш ва мавжудларини реконструкциялаш имкониятларини ўрганмоқдалар. Саратов ва Коми АССРдан келган бурғиловчилар ичимлик сувининг қўшимча ресурсларини қидириб топиш юзасидан иш олиб бормоқдалар. Ҳон заводини модернизациялаш бошлаб юборилди. Навбатда — гўшт комбинати ва мева-консерва корхоналарини модернизациялаш турибди.

СССР Савдо министрлиги ва «Центросоюз» озиқ-овқат ва саноат моллари учун қўшимча фондларни ажратди.

Областдаги шаҳар ва посёлкаларда сўнгги ойда ҳарбий қисмларнинг ёрдами билан сут, сабзавот ва мевалар етказиб бериш, қелтирилган унни тушириш, олисдаги қишлоқларни озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, ёнилғи билан таъминлаш йўлга қўйилди. Врачлар, беморлар, кўзи ёриган оналар ҳарбий вертолёт ва машиналарда ташилмоқда. Ички қўшинларнинг нарядлари озиқ-овқат ортилган 350 тадан кўпроқ машина, халқ хўжалик юклари ортилган мингга яқин машинани кузатиб бордилар, ҳар иккі миллатга мансуб ўнлаб оилалар янги истиқомат жойларига кўчириб келтирилди.

Бу ишларнинг ҳаммаси ҳар иккала миллатга мансуб экстремистик кайфиятдаги унсурлар юк ташишни бардод этишга уринаётган, автомобиль ва темир йўлларида ҳужум ва қўпорувчилик уюштираётган, вазиятни беқарор қилишга уринаётган, аҳолини ҳамиша чўчитиб турган шароитда амалга оширилди. Область аслида қамал ҳолатида. Унинг транспорт излари кўп марта узиб қўйилди. Миллатлараро негизда қурол-яроғ, хонаки портловчи қурилмалар ишга солинган тўқнашувлар кўпайди. Арман ва озарбайжон аҳолиси, ҳарбий хизматчилар орасида қурбонлар ва жабрдийдалар сони кўпаймоқда. Иккала республика ва Тоғли Қорабоғ автоном областининг оммавий ахборот воситаларида, митингларда бирбирини айблаб, ўзаро ҳуруж қилиб чиқишлар янграмоқда. Бу эса эҳтиросларни янада кучайтирмоқда.

Областдаги аҳолининг ҳар иккі қисми орасида анчагина одамлар ғазабланган, бирбирига қарши турибди ва куч ишлатишга тайёр. Ўткинчилар, ўғрилар ва чайқовчилар халқ бошига тушган кулфатдан фойдаланиб қолмоқдалар. Айни вақтда Тоғли Қорабоғда яшовчиларнинг кўплари ўзларининг бошига тушган кулфатдан бошқа миллатга мансуб оддий кишилар айбдор эмаслигини тушуниб етмоқдалар. Энг соғлом фикрли кишилар алоҳида бошқарув комитетига, ҳарбий комендатурага мурожаат қилиб, Тоғли Қорабоғ автоном области территориясида қонунчилик ва тартибни таъминлашни, иккала халқни миллатлараро нифоқнинг хавфли ботқоғига итараётган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортишни талаб қилмоқдалар.

Тоғли Қорабоғда вазият кескин мураккаблашганлиги муносабати билан аҳолида бошқарув комитети, алоҳида район ҳарбий комендатураси, СССР Ички ишлар министрлигининг Степанакертга келган раҳбар ходимлари ғайриқонуний ҳаракатларга қатъий чек қўйиш, қўпорувчилик ҳаракатларининг, миллатлараро тўқнашувлар ва оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш, одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирларни амалга оширмоқдалар.

(ТАСС).

ҚЎЛИНГИЗ ЕНГИЛ БЎЛСИН

Янгиқўрғон марказий район касалхонасида даволанаётган беморлар ўз шифокорларига чин дилдан «Қўлингиз енгил бўлсин» демоқдалар. Бу ерда малакали шифокорлар меҳнат қилаётир. Катта меҳнат иш стажига эга бўлган шифокорлар ўз тажрибаларини ёшларга меҳр билан ўргатмоқдалар. Касалхонанинг ўнта бўлимида 450 бемор дардига шифо топаётир.

Бу суратлар касалхонанинг травматология бўлимида тасвирга туширилган. 1. Биргина операцияга юздан ортиқ асбоб-анжомни тайёрлаш керак. Катта ҳамшира Раҳимахон Аҳмедова бу ерда ўттиз йилдан буён ишламоқда. Ҳамшира Раъно Фозилова эса ундан иш сирларини ўрганаётир. 2. Тажрибали травматологлардан бири, 1-категорияли врач Ҳусанбой Ўринов. У Андижон давлат медицина институтини битиргач шу ерга йўлланма олган эди. 3. Илк одимлар.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ олган.

Дунё овози

ЭНГ КАТТА ЧОРРАҲА

Бундан 75 йил муқаддам «Анкон» деб аталган кичик кема Панама бўйни районида Тинч океани билан Атлантик океанини ажратиб турган 80 километрли масофани биринчи бўлиб сузиб ўтди. 1914 йил 14 августда ишга тушган бу канал тез орада жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар транспорт йўлларининг энг катта чорраҳасига айланди.

Ана шу каналнинг қазилиши икки аср ўртасида вужудга келган ёш республика халқининг территориал бутунлик ва мустақиллик учун кўп йиллик курашига асос солди. АҚШ Панамага зўрлаб қабул қилдирган икки томонлама шартномалар 70-йилларга қадар бу мамлакатга канал хўжайинига хизмат қилиш «фахрий» ҳуқуқинигина қолдирган эди.

1968 йилдагина республика ана шу оғир шароитларни ўзгартишга муваффақ бўлди — Қўшма Штатлар канални қайтариб беришнинг узил-кесил муддати белгиланган Панама каналига доир шартномани имзолади. 1999 йил 31 декабрда туш пайтида канал Панама тасарруфига ўтади. Ана шу муддатгача Пентагон мамлакат территориясидан ҳарбий базаларини олиб чиқиб кетишга мажбур.

ОҒИЗДА ВА АМАЛДА

Жанубий Корея президенти Ро Дэ У мамлакат халқига радио орқали қилган мурожаатида «чинакам демократик жамиятни» барпо этиш учун, барча масалаларни мулоқот йўли билан ҳал қилиш ва келишишга эришиш учун ҳамма гражданларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга чақирди.

Бироқ Ро Дэ У маъмуриятининг ҳаракатлари ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги баёнотларга қарама-қарши бўлмоқда, чунончи маъмурият мамлакатда оппозицияга қарши сўнгги вақтда мислсиз жазо кампаниясини бошлади. Ана шундай шароитда тинчлик ва демократия партиясининг раҳбарияти якшанба куни, Япония матбуоти таъкидлаганидек, амалда маъмуриятга қарши «снёсий уруш» эълон қилиб, ҳукмрон демократик адолат партиясига қарши қаттиқ кураш бошлашга қарор қилди. Хабар қилинишича, шанба ва якшанба кунлари Сеулда сайлов кампанияси давомида ҳукмрон партия билан энг катта оппозициячи партия тарафдорлари ўртасида жиддий тўқнашув юз берди, ана шу тўқнашув чоғида «муштлашиш» ҳоллари ҳам бўлди.

«ЭҲТИЁТ БЎЛИНГЛАР, ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ»

Япония кема эгаларининг уюшмаси Жанубий Осиё мамлакатлари соҳиллари бўйлаб қатнаётган денгиз кемаларининг капитанларини ана шундай огоҳлантирди.

Уюшманинг маҳаллий матбуотда эълон қилинган йўл-йўриқларидан маълум бўлишича, Жанубий Хитой денгизи, Сингапур, Малайзия ва Филиппин соҳилларига яқин жойлар денгизда сузувчилар учун айниқса хавфли районлардир. Ана шу зоналарда ҳаракат қилувчи денгиз қароқчилари кичкина кемаларгагина эмас, катта кемаларга ҳам ҳужум қилмоқдалар. Ўтган ҳафтада Сингапурнинг шимоли-шарқида жойлашган Анамбас ороллари яқинида қароқчилар Панама байроғи билан сузиб бораётган катта юк кемасига ҳужум қилдилар. Қайси миллатга мансублиги аниқланмаган қароқчилар сўнгги икки йил ичида Япония савдо кемаларига 20 мартага яқин ҳужум қилдилар.

ЁНҒИН ЎЧИРИЛДИ

Шошилинч чоралар кўрилганлиги туфайли Шаньдун вилоятидаги Хуандао нефть омборида шанба куни чиққан кучли ёнғиннинг ўчиришга муваффақ бўлинди. Нефть базаси жойлашган Хуандаое оролидан тўрт денгиз милясофадаги Циндао порт шаҳри халқ ҳукуматининг вакили ана шу ҳақда хабар берди.

Нефть сақланадиган цистерналардан бирига яшин тушиши натижасида бошланган ёнғин тез орада салкам 40 минг тонна хом нефть қуйилган бошқа идишларга ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда портлашдан 5 киши ҳалок бўлди, 64 киши жароҳатланди, 16 киши бедарак йўқолди. Ўн бешта ўт ўчириш машинаси ва нефть омбори яқинидаги бир неча маъмурий бинолар ёниб кетди.

Маҳаллий ҳокимият ўтни ўчириш учун барча мавжуд воситаларни шошилинч сафарбар қилди.

ЯНГИ МИНИСТР

АҚШ армияси министрлигининг янги бошлиғи Майкл Стоунни қасамёд қилдириш билан кабинет таркибига киримайдиган министрларнинг ўз лавозимларини бажаришга киришиш жараёни ниҳоясига етди.

АҚШ президенти Жорж Буш июль ойи охирида 64 ёшли Стоунни шу лавозимга тайинлаган, август ойи аввалида эса, Америка қонунига мувофиқ унинг номзодини АҚШ конгресси сенати тасдиқлаган эди. Стоун университетда маълумот олган, иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий-денгиз кучларида хизмат қилган. Хусусий фирмаларда, 1982—84 йилларда эса АҚШ халқаро ривожланиш бошқармасида ишлаган. 1986—88 йилларда АҚШ армияси министрининг ёрдамчиси лавозимини эгаллаган, сўнг министр ўринбосари бўлган.

Май ойида АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари министри лавозимини шу вақтга қадар ҳарбий-денгиз кучлари министрининг ўринбосари бўлган Генри Гаррет бажара бошлади. Дональд Рейс ҳам шу йилнинг май ойидан АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари министри қилиб тайинланди. У шунга қадар бир қанча давлат муассасаларида турли мансабларни эгаллаб келган эди.

ИҒВОГАРЛИК ЙИҒИНИ

Гданьскдаги Муқаддас Бригида костелида якшанба ибодатидан сўнг «Курашаётган бирдамлик» яширин тўдаларига мансуб экстремистлар коммунизмга ва давлатга қарши шиорлар остида иғвогарлик йиғинини ташкил этдилар.

«Йўқолсин коммуна», «Советлар — уйингга жўнаб қол» деган шиорлар бақириб такрорланди. Шундан сўнг бир неча юз киши ишчилар иш қақини ошириш ҳақидаги талабларни қўллаб-қувватлаб иш ташлаган босмахонага ўтдилар, у ерда митинг ташкил қилдилар, митингда «касаба союз эркинлиги»га даъватлар ҳамда маъмурлар ва «бирдамлик» раҳбарлари шанига танқидлар эшитилди. Улар йўл-йўлакай ПБИП воевода комитетининг бинои олдида яна бир йиғин ўтказдилар.

«Альтернатив жамият учун ҳаракат» деб аталган ташкилотнинг фаоллари — анархистлар намойишчиларга қўшилдилар, улар олдинроқ Гданьск марказида социализмга қарши шиорлар ва «Берлин деворини бузиб ташлаш» ҳақидаги талаблар остида кўча юришларини ташкил этган эдилар.

Иккала йиғинни ҳам шаҳар аҳли қўллаб-қувватламади. Тартибни сақлаш кучлари воқеаларга аралашмади.

(ТАСС).

Наманган областидаги «Концентрат» комбинати Тўрақўрғон қуруқ мевалар заводи базасида ташкил этилди. Италиялик мутахассислар ёрдамида ўрнатилаётган иккита линиянинг ўзи комбинатда 18 минг тонна майиз ва 15 минг тонна қуруқ мева ва сабзавот тайёрлаш имконини беради.

Аммо реконструкция ишлари ниҳоясига етаётганига қарамай, хом ашё масаласи ҳануз ҳал этилмаётир.

Суратларда: 1. Италиялик монтажчилар (чапдан) Флоренцо Кора ва Витторио Подерчини маҳаллий мутахассислардан Валерий Ли ва Мирабдулла Пўлатов билан. 2. Тўрақўрғон районидаги Ленин номли совхоз-завод директори Боқижон Икромов (чапда) «Концентрат» комбинати директори ўринбосари Абдулхай Азизов хом ашё масаласида суҳбатлашмоқда.

А. КОВТУН суратлари. (ЎзТАГ).



Халқ таълими: август педагогика конференциясига

ЯНГИ БОСҚИЧДА

● Республикамиз педагоглари яқинда халқ таълими ходимларининг анъанавий конференциясига тўпланадилар. Бу конференция бу йил қандай ўтади? Мухбиримиз шу ҳақда Ўзбекистон ССР халқ таълими министри М. А. ЗОИДОВ билан суҳбатлашди.

— Анъанавий конференциямиз бу йил анъанасиз ўтади, деган сўз билан бошламоқчиман. Бундан бир неча кун муқаддам министрлигимиз коллегияси Ўзбекистонда умумий ўрта таълим мактаблари ўқув плани концепциясини муҳокама қилиш учун лойиҳаларини тасдиқлади. Бу лойиҳа 19 август куни педагоглар газеталарида кенг муҳокама қилиш учун босилади.

Шу муддатда шаҳар ва район газеталарида район, шаҳар халқ таълими бўлимларининг КПСС Марказий Комитети 1988 йил февраль Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми ва халқ таълими ходимларининг Бутуниттифоқ съезди қарорларини бажариш бўйича ишлари ҳақида ҳисобот тезислари босилади.

28 августда педагогика кенгашлари секция йиғилишлари қатнашчилари халқ таълимини қайта қуриш барча муаммолари бўйича ўз мулоҳазаларини айтишга муяссар бўладилар. 29 августда эса қўшма йиғилишларда баҳсларнинг якуни умумлаштирилади, халқ таълими бўйича кенгашларнинг — бошқарма янги органининг илк бор ҳисоботлари тингланади.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар бўйича қонуни лойиҳасининг муҳокамаси кетаётган бир пайтда, соҳамиз билан чамбарчас боғланганлигига қарамай бу муҳокама дам олиш ва таътил кунларига тўғри келди. Сентябрда тил муаммолари ва таълим ҳақида баҳси педагогика коллективларида ўқувчилар ва студентлар билан давом эттирамиз.

Тан олишимиз керакки, кўпгина ўқитувчиларимиз Қонун лойиҳаси билан яхши таниш эмаслар. Шунинг учун ҳам август педагогика кенгашларида Қонун лойиҳаси муҳокамасига янгича руҳ бахш этибгина қолмай, етилган тил муаммолари, уни ҳал этиш йўллари ва услублари ҳақида ҳам тўхталамиз, суҳбатимиз қизиқарли ва пухта ўтади, деб ўйлайман.

— Август конференциялари билан боғлиқ партия, совет, хўжалик органлари шаънига қандай таклифларингиз бор? Уларнинг халқ таълими органларига аниқ ёрдами ҳақида нима дейсиз?

— Бир неча район ва шаҳарларда август педагогика кенгашлари арафасида партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлишини, коммунист педагогларнинг, халқ таълими фаолларининг маҳаллий партия, совет органлари раҳбарлари билан учрашувлари уюштирилишини яхши биламиз. Бу яхши анъана ҳамкорликда ўтса кўнгилдагидек бўларди. Ахир ўқув йилининг барча соҳаларида республика, область ва районларни социал-иқтисодий ривожлантириш муаммолари, миллатлараро муносабатлар ва бошқа кўплаб масалалар ҳақида ишчанлик, очиқчасига суҳбат бўлиши ёшларнинг мураббийлари учун ғоят зарурдир.

1 сентябрь куни ўқувчилар ва ўқитувчилар «Тинчлик дарси»га тўпланган пайтда партия органларининг сайлаб қўйилган аъзолари, депутатлар иштирок этиб ўқитувчиларга ҳаётий муаммолар муҳокамасида оқилона йўл танлашларига ёрдам берсалар яхши бўларди. Шунда республика ўқув юртларида ўзгача ягона сиёсий куч ўтказилган бўлур эди.

— Мактабларда қайта қуришнинг аниқ ривожлари борми? Сиз министр сифатида август конференциялари қатнашчилари ҳузурида бу ҳақда нима дея олардингиз?

— Коллегия аъзолари, жумладан мен ҳам, министрлик аппаратининг кўпгина ходимлари республика районлари ва шаҳарлари август конференцияларида бевосита иштирок этадилар. Ҳал этилмаган муаммолар ҳақида ва республика халқ таълимини қайта қуришнинг йўллари ҳақида очиқчасига гаплашамиз деб ўйлайман.

Биз Ўзбекистон халқ таълимидаги ишлар аҳволини бирмунча яхши деб биламиз, негаки ўн учинчи беш йиллик ва 2000 йилгача муҳим масалалар бўйича аниқ программага асосан иш олиб боряпмиз.

Мактабларнинг моддий-техника базаси ҳам яхшиланаётир. Август ойининг бошида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиуми республикада авария ҳолатидаги мактабларни тугатиш борасида қўшимча тадбирлар ҳақида муҳим қарор қабул қилди.

Министрлик Ўзбекистон халқ таълимини компьютерлаштириш бўйича комплекс мақсадга йўналтирилган программасини ишлаб чиқди ва ҳал этмоқда. Бугунги кунгача Қорақалпоғистон ва республиканинг барча областларининг 850 дан ортиқ синфларида ўқув-ҳисоблаш техникаси ишлаб турибди.

Педагогик кадрлар тайёрлаш системасининг барча бўғинларини қамраб олувчи «Ўқитувчи» комплекс мақсадга йўналтирилган программаси кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этилди ва тасдиқланди. Фарғонада доимий педагогик таълим маркази, Сирдарё давлат педагогика институти базасида ўқув илмий-педагогик бирлашма ташкил этяпмиз. Т. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ишини қайта қуряпмиз.

Умумий таълим мактаблари учун янги дарсликлар яратиш бўйича конкурс эълон қилдик, ўйлаймизки, яқин ойларда ўқитувчилар ва ўқувчилар учун янги ўқув-методик комплекслари олишга эришамиз, уларнинг бир қисми икки тиллиликдан иборатдир.

Ўзбек аҳолиси, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларнинг маданий-маърифий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконияти туғилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари халқ таълими министрлари томонидан тасдиқланган ҳамкорлик ҳақидаги шартнома бунинг ёрқин далилидир.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ таълими ҳақидаги қонунчилик асослари лойиҳаси борасидаги иш якунланаётган экан, у соҳамизда қайта қуришнинг ишончли ҳуқуқий асосини яратади. СССР Министрлар Совети ҳозирча СССР ўрта умумтаълим мактабларида Муваққат қоидани (намунавий) тасдиқлади. Бу қонда қайта қуриш учун хизмат этмоқда.

Министрлигимиз жойлардаги халқ таълими органларига август конференцияларида анъанавий резолюция ва мурожаат ўрнига район, шаҳар халқ таълимини ривожлантиришнинг ўқув йили ёки бир неча йил муддатга мўлжалланган аниқ программасини ишлаб чиқишни тавсия этди. Бу оз бўлса-да, аниқ одим ташлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, биз бўлажак конференцияларга кўпроқ ишчанлик, қайта қуриш тарзидаги мулоқотни истаймиз. Чунки у янги ўқув йилидаги тиғиз ишда республикамиз, мамлакатимизнинг келажагини кўзлагани учун ҳам яхши натижа беради. Ўзбекистон жамоатчилиги бу йўлни кенг қўллаб-қувватлайди.

Уй-жой қурилиши индустрияси фаолиятига бир назар

БОЙ БЕРИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

ёки «Узградострой» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида йил сайин 1 миллион квадрат метр уй-жой бинолари барпо этилмай қолаётгани ҳақида

Яқин келажакда — 2000 йилга бориб мамлакатимиздаги ҳар бир оила алоҳида квартира ёки ўз уйига эга бўлиши керак. Партиямиз ана шу эзгу ниятни кўзламоқда. Бу муҳим социал вазифани ҳал этишнинг бош резерви уйсозликдаги барча қурилиш ишларини батамом индустриал изга кўчиришдан, уни ягона саноат қурилиши конвейерига айлантиришдан иборат.

Ўзбекистон уйсозлик индустриясида ҳозир 40 дан ортиқ корхона, цех, полигон бўлиб, улар йилига 3,6 миллион квадрат-метр уй-жой қуришга қодир. Ҳақиқатан ҳам бу катта қувват. Бу қувват меҳнаткашларни замонавий уй-жой билан таъминлашни анча тезлатишга хизмат қилмоқда. Бироқ республикада вужудга келтирилган ана шу имкониятнинг атиги 70 фоизидан фойдаланиляпти. Йилига қарийб 1 миллион квадрат метр уй-жой қуриб бериши мумкин бўлган қувватлар эса бой берилмоқда.

Республика Давлат қурилиш комитетининг йирик «Узградострой» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари хўжалик юритишнинг янгича системасига амал қилинаётган ҳозирги шароитда ўз олдида турган масъулиятли вазифаларни қандай ҳал этмоқда?

ОЛДИНГДАН «ОҚҚАН СУВ»НИНГ ҚАДРИ

— Бирлашма 1975 йили умумий қурилиш трестлари таркибига кирувчи уйсозлик комбинатлари базасида ташкил қилинди, — дея сўз бошлади бирлашма бошлиғининг биринчи ўринбосари А. Фельдшер, — Унинг таркибида 16 та бош пудратчи ташкилот бор. Иш суръатлари ўсиши мана бундай: бирлашма ташкил топган йили қарийб 500 минг квадрат метр уй-жой биноси тикланганди. Эндиликда 709 минг квадрат метр уй-жой қуриб топширишни мўлжаллаб турибмиз. Бу — 1988 йили эришилган маррадан 96 минг квадрат метр кўп. Шу йилнинг 6 ойи якунларига кўра бирлашма коллективи юксак марраларни эгаллади. Январь — июнь ойларида пландаги 281,264 ўрнига 306,788 квадрат метр уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Бошқача айтганда, план 109,1 фоиз бажарилди.

Индустриал уйсозлик қўламларининг кенгайиб бориши ва қурилиш суръатлари тезлашаётганига қарамасдан, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан ҳанузгача тўла фойдаланилмаётир. Масалан, Олмалиқ ва Жиззах уйсозлик комбинатлари имкониятларининг учдан икки қисмидан ҳам фойдаланилаётгани йўқ. Республика уйсозлигининг қалдирғочлари бўлган Урганч ва Нукус комбинатлари 60-йилларнинг бошларида дастлабки маҳсулот берганди. Бу корхоналар ҳалигача лойиҳа қуввати даражасига етказилгани йўқ. Бутун бирлашма бўйича эса мавжуд қувватларнинг 84 процентидан фойдаланилмоқда, холос. Бунга чек қўйиш учун нималар қилинмоқда?

Янги қувватлар барпо қилишнинг ўзигина етарли эмас. Ҳатто корхоналар техника тараққиёти қўлга киритган янги ютуқлар билан тўла қуроллананганда ҳам кўзланган мақсадга батамом эришиш қийин. Масалани ҳал этишда бошқа хизматларнинг таъсир кучи ҳам муҳим роль ўйнайди. Дастлаб, моддий-техника таъминоти ишончли ва узлуксиз бўлиши керак. Ўз имкониятларимиздан тўлароқ фойдаланишга эътибор берилаётгани бежиз эмас. Шу тарифа пенопласт иситгичли уч қатламли панелли уйлар қурилишини кенг йўлга қўйдик. Андижон, Фарғона, Нукус, Ангрендаги цехлар хусусий лойиҳалар асосида пенопласт иситгичли панеллар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Унинг дастлабки самараси Туркманистондан танқис хом ашё — арғалит ташиб келтиришга чек қўйилганидир. Олмалиқ уйсозлик комбинатидаги аҳволни яхшилаш мақсадида керамзит тайёрлаб берадиган завод қурила бошланди.

Биноларнинг қаватини кўпайтириш эса қаватлардан фойдаланиш ва моддий-техника ресурсларини тежаб ишлатиш имконини бермоқда. Кейинги йилларда бирлашма тўрт қаватли уйлар ўрнига беш қаватли йирик панелли уйлар барпо этишга бутунлай кўчди. Андижон, Бухоро, Нукус, Наманган ва бошқа шаҳарларда уйсозлар шу услубда ишламоқдалар. Бу ҳар тўрт қаватли уй қурилишида бир девор ва том ёпилмаларини иқтисод қилиб қолишга ёрдам беряпти. Янгича усул материалларнинг ортиқча ишлатиб юборилишига чек қўймоқда. Беш қаватли уйлар қурилиши туфайли меҳнат унумдорлиги қарийб икки баравар ошиб, ишлаб чиқариш маданияти яхшиланмоқда.

Қувватлардан самарали фойдаланишнинг яна бир йўли микрорайонлардаги болалар боғчалари, магазинлар, алоқа бўлинмалари, дорихона ва бошқа объектларни уйсозлик корхоналарининг ўз лойиҳалари асосида комплекс барпо этишга ўтганидир. Ўтган йил бошида ишга тушган Ангрен ремонт-механика заводи йирик панелли уйсозлик афзалликларини кўрсатиб берди. Ангренликлар тажрибаси асосида Жиззах, Наманган ва Олмалиқ уйсозлик комбинатлари ҳам қолипловчи қўшимча тик кассета қурилмалари барпо этдилар. Гулистон ва Самарқанд комбинатларида сурилма кранли янги полигонлар қуришга киришилди. Фарғона уйсозлик комбинати эса арматура-пайвандлаш ускуналари билан жиҳозланди.

Булар — олдимиздан оққан сув — имкониятлар бўлиб, уни қадрлаш, шу қувватлардан омилкорлик билан фойдаланиш зарур.

ИБРАТ ОЛСА АРЗИЙДИ

Бухоро уйсозлик комбинати коллективи 1988 йилги самарали ишлаб чиқариш фаолияти учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

— Комбинатимиз республика бирлашмаси системасидаги энг яхши комбинат деб тан олиниши бизнинг кўнглимизни кўтариб юборди, — дейди корхона ветерани, мастер И. Каримов. — Бултурги ишларимиз юксак баҳоланди. Энди тўпланган тажрибани муттасил бойитиб боришимиз, янги резервларни қидириб топишимиз, ҳаракатга келтиришимиз лозим. Бу — индустриал қурилиш имкониятларидан мукаммалроқ фойдаланиш манбаи. Корхонамиз 6 ой мобайнида 35 минг квадрат метрдан кўпроқ уй-жой қуриб, планни ошириб ўтказарди:

— Учта касса хўжакўрсингами, бошқалари қачон ишлайди, — дея шовкин кўтаришарди йўловчилар. Шу пайт «брон диспетчери» хонасидан «бугун навбатда турган 3 та касса бўлсаю, шундай долзарб пайтларда фақат биттаси хизмат кўрсатса! «Маълумотлар бюроси» хонасида эса, ҳеч ким бўлмас экан. Одамлар кимдан маълумот олишни билишмайди. Бу ҳам йўловчиларга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

— Тўғри, бу камчиликларни тан оламиз, — деди агентлик бошлиғи Татьяна Борисова. — Лекин, кассирлар етишмаса нима қилайлик. Бири касал, бири меҳнат таътилида. Бу ҳақда аэропорт раҳбарларига ҳам маълум қилганмиз. Ҳеч қандай ёрдам беришмаяпти. Керак бўлса, сизни телефонда улар билан гаплаштираман.

Афсуски, у қанча уринмасин мени раҳбарлари билан гаплаштиролмади. Чунки улар ҳам иш жойида йўқ экан. Эҳтимол агентлик бошлиғи Т. Борисованинг гапларида ҳам жон бордир. Аммо йўловчилар ҳамма жойда қатъий тартиб интизом бўлишини истайдилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Хўжалик шахсий— манфаати умумий

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ

Паркент районидаги Сўқоқ қишлоғи пурвиқор тоғлар орасида. У ердаги дам олиш уйи атрофига чиқсангиз, одамлар сизга сут, қатиқ, қаймоқ таклиф қилишади. Эрталаб ва кечқурунлари кўчаларни тўлдириб ўтаётган чорва молларини кўриб дилингиз яйрайди.

Ҳа, қишлоқ хонадонларининг 90 фоизида қўй-эчки, қорамол бор. Мусаффо ҳаводан баҳра олиб, сут-қатиқ ичган қишлоқ аҳолисининг асосий қисми соғлом ва ўктам. Ҳар йили юзлаб меҳнаткашлар «Сўқоқ» дам олиш уйида бўлиб мириқиб дам олиш билан бирга соғлиқларини мустаҳкамлаб қайтишяпти.

Қишлоқ Калинин номли совхозга қарайди. Биз совхоз директори Озод Аъзамов билан учрашиб, шахсий хўжаликларнинг совхозга, умуман аҳолини гўшт, сут билан таъминлашга қўшаётган ҳиссаси ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бир неча йилдан бери ҳар бир хонадонда чорва бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Ҳаракатимиз зое кетмаяпти. Бундан 4—5 йил илгари хонадонларда 400 бош атрофида сигир бўларди. Улар ўз эҳтиёжларидан ортиқча 110—115 тонна сутни давлатга топширишарди. Ҳозир шахсий хўжаликларда 600 бошдан зиёд сигир, 1500 бошдан ортиқ қўй-эчки боқиляпти. Шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида совхоз аҳолидан 170 тонна сут қабул қилиб олди.

Совхоз дирекцияси оиларга мол боқиш учун доимо кўмак бермоқда. Уларга ҳар йили 600—700 тонна сомон, 70—80 тонна омихта ем ажратяпмиз. Одамлар ҳам қараб туришмаяпти. Қир-адирлардан хашак жамғаришяпти.

— Илгари биттагина сигиримиз бўларди, — деб суҳбатга қўшилди меҳнат ветерани Тожибой ака Темиров. — Совхоз маъмурияти хонадонларни ем-хашак билан таъминлашни йўлга қўйгач, уч бош сигир, 30 бош қўй-эчки боқяпмиз. Ўтган йили давлатга бир тонна сут сотган эдим. Бу йил уч тонна сотмоқчиман.

Хўжаликда хонадонларда молларни кўпайтиришга аҳамият бериш билан бир қаторда жамоат чорвасини кўпайтиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга ҳам эътибор қаратиляпти. Ҳозир совхозга қарашли 800 бош қорамол, 3000 бош қўй бор. Улар тўйимли рацион асосида боқиляпти. Шунинг учун ҳам моллар тез семириб, говмишларнинг сутига сут қўшилмоқда. Совхоз чорвадорлари ўтган ярим йилда давлатга пландаги 29 тонна ўрнига 43 тонна гўшт, 381 тонна ўрнига 402 тонна сут топширишди. Бу муваффақиятга Г. Йўлдошева, Т. Ёқубова каби илғор сут соғувчилар, айниқса баракали ҳисса қўшишди.

Айни кунларда совхозда ем-хашак тайёрлаш ҳам қизғин. Ҳозиргача ўтган йил шу даврдагидан 200 тонна кўп, яъни 2900 тонна хашак жамғарилди. Экилган озуқа экинлари парваришни намунали олиб борилмоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
А. ТОЖИЕВ.
Тошкент области.

ХУШХАБАРЛАР

Гулистонлик автоҳаваскорлар ўзларининг енгил машиналарига резина эҳтиёт қисмларини излаб юрмайдилар. Энди у танқис эмас. Республика мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг тажриба ремонт-механика заводи ана шундай эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Ҳозир корхона йилига 300 минг сўмлик 22 хил халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқармоқда. Токзорлар учун тайёрланаётган устунлар, ҳаммомлар учун печлар, тўрсимон ва чўян тўсиқлар, газ плиталари учун панжаралар, металл дарвозалар ҳамда гаражларга талаб катта бўлмоқда. Заводда ташкил этилган бешта кооператив маҳсулотларнинг анчагина қисмини ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ихтисослашган. Масалан, яқинда ташкил этилган «Шуҳрат» кооперативи дурадгорлик буюмлари тайёрлаш ҳамда қурилишларда хизмат кўрсатиш билан шуғуллана бошлади.

●

Намангандаги «Саҳоват» агрокооператив бирлашмаси ходимлари бедана гўштидан палов тайёрлай бошладилар.

Кооперативда қуён, бедана, ондатра, нутрия боқиб кўпайтирилмоқда. Ёғоч буюмлар тайёрлайдиган цех очилди. «Саҳоват»да боғдорчилик маҳсулотлари, сабзавот ва гуллар етиштириладиган миришкорлар ҳам ишлашади. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси кооперативнинг фирма магазинида сотилади.

(ЎзТАГ).

ЙЎЛОВЧИЛАР ХУНОБ

• Лўқма

Хизмат юзасидан «Аэрофлот»нинг Қарши шаҳар агентлигида бўлдик. Агентлик кассалари олди одамлар билан тирбанд. Йўловчилар асабий. Нега дейсизми? Мавжуд 3 та кассадан бор-йўғи биттаси ишлаяпти. Устига-устак, кассир аёл имиллаб билет ёзар, баъзан атрофидагиларга гап сотиб, вақтни беҳуда ўтказарди:

Ажабо, буни қандай тушунмоқ керак? Йўловчиларга қулайлик яратиш ўрнига сунъий қийинчилик туғдирилмаяптими? Агентлик бинасида 3 та касса бўлсаю, «иккита касса ишлайди» деган гап-сўз эшитилди.

Эшитилмаяпти. Ўтгаси-ўтгаси ишлаяпти. Ўтгаси-ўтгаси ишлаяпти. Ўтгаси-ўтгаси ишлаяпти.

М. ЭШМУРОТОВ.
Ташкент области.

АХБОРОТ

ШИНАМ УЙЛАР

Марказий Фарғонанинг Комсомолобод районидаги «Дўстлик» совхозида бўз ерларни ўзлаштираётган кишилар янги уйларга кўчиб киришди. Бу ерда «Андижанводстрой» бирлашмасининг 6-механизациялашган кўчма колоннасига қарашли қишлоқ бинокорлари бир ярим йил ичида 100 та замонавий уй қурдилар.

Керамзитбетон ишлатилиб, барча қулайликлари ва ёрдамчи бинолари бўлган уйжойларни фойдаланишга топшириш суръатларини бир неча баравар жадаллаштиришга муваффақ бўлинди. Совхоз янги уйларда ҳамма қулайликларни яратиш мақсадида «Зангори олов» ишлаб чиқариш кооперативи билан хўжалик марказий қўрғонининг янги қишлоғини газлаштириш тўғрисида шартнома тузди.

«ОЙҚОР»ЛИК ПОЛИЗЧИЛАР

Пахтакор районидаги «Ойқор» кооперативи полизчилари савдо шохобчаларига кўпчилик ҳали кўрмаган ва ҳатто татиб кўрмаган қовун юборишдилар. Кооператорлар қовунининг ҳозир унутиб юборилган «Қоракўл», «Оқуруғ» ва «Жўрақанд» навлари уруғлигини қидириб жуда кўп қишлоқларни кезишди. Бу навларга илгари эҳтиёж катта бўлган. Полизчилар 40 гектар экинзорнинг ҳар гектаридан 20 тоннадан ширин-шакар қовун ҳосили олишмоқчи. Қовун етиштиришда асосан маҳаллий ўғитлардан фойдаланилаётганлигини қайд этишимиз керак. Шу сабабли улар етиштирган қовун ва тарвузларнинг бозори чаққон.

(ЎзТАГ).

МАРОҚЛИ БАЙРАМ

Айни кунларда ўлкамизда асад ойи давом этмоқда. Кунлар анча салқин бўлишига қарамай, кўплаб шаҳарликлар дам олишга кўлларга, дарёларга бормоқдалар. Зеро, қуёш, тоза ҳаво ва тиниқ сув—саломатлик гаровидир.

Тошкент денгизида бу байрамни анчадан бери орзиқиб кутишганди. ДОСААФ клубининг ёш денгизчилари у ерга бориб яхшигина байрам ўтказишди. Бу байрам ўзига хос тарзда нишонланди. Уни Нептун, деб аташди. Одатда бу байрам ҳар хил ҳазил-хузуллар, ўйин-кулгилар билан ўтади. Театрлаштирилган саҳналар уюштирилади. Турли ўйинлар ва спорт мусобақалари қизғин тус олади. Бу байрам болаларнинг ёдида бутун умр сақланади.

Ҳозирги пайтда республикамизнинг кўпгина дам олиш зоналарида, пионер лагерларида ҳам ана шундай қизиқарли учрашувлар, мароқли кечалар ўтказилмоқда. Булар нинг барчаси меҳнаткашларнинг кучига-куч, қувватига-қувват қўшади.

Суратларда: Нептун байрамидан айрим лавҳалар.

А. РИСҚИЕВ суратлари.
(ЎзТАГ).

ЁЗИШМАЛАР ГИРДОБИДА

Фельетон

Салом, ҳурматли фельетон шинавандлари!

Бугун биз Хўжаобод районида ўтаётган шифокорлар конференциясидамиз. «Ленинград» колхози маданият саройига икки юз шифокор йиғилган. Залнинг чап қанотида район марказий касалхонасининг бош врачи Абдухалил Зуфаровнинг «ҳимоячи»лари, ўнг қанотида унга қарши группа «ҳужумчи»лари савлат тўкиб ўтиришибди. Афсус, залда Зуфаровнинг ўзи йўқ, тоби қочиб қолибди. Конференция бошлангунча фурсатдан фойдаланиб, бундан аввал бўлиб ўтган воқеалар ҳақида гапириб берай.

Зуфаровни «фош этувчи» ёзишмалар бир ярим йилдан бери тўхтамайди. Нуфузли ташкилотларда «ҳужумчи»лар йўллаган дастадаста шикоятлар, арзномалар бор. Уларни текшириш учун қанчадан-қанча одамлар ишдан қолган. Муддао битта: Абдухалил Зуфаровни «тахт»дан агдариш, унинг ўрнига ўз одамларидан бирини қўндириш.

Лекин Зуфаров дегани ҳам темир одам экан. «Тахт»да маҳкам туриб, ҳамма бўҳтонларга даст айтиб, алами ни ишдан оляпти. «Ҳужумчи»лар эса: «Шошма тур, Зуфаров! Ҳали ҳолингга майлмунлар йиғлайди. Кўчмас қоя бўлсанг ҳам бизнинг зугумимизга бардош беролмайсан. Ишдан кетмагунингча ёзаверамиз, ёзаверамиз», — дейишади. Айтганларини қилишди ҳам. Зуфаров устидан юқори партия ташкилотларига арзномалар тушди. Унга 92 киши имзо чекди.

«Ҳужумчи»лар, бопладик, деб хурсанд бўлиб турган бир пайтда фавқулодда ҳодиса рўй берди. Бир ярим йилдан бери аралашмай жим турган икки минг кишилик коллективдан етти юз эллик киши ҳимояга чиқди. Улар районда қишлоқ шифокорларининг республика кўргазмали анжумани ўтказилгани, бошқа областлардан келган меҳмонлар Зуфаровнинг ташкилотчилик қобилиятига тан берганликлари, лекин бу ютуқларни «ҳужумчи»лар қўролмаётгани, ишлашга имкон бермаётгани, ишбузуқиларни тартибга чақириб қўйишларини сўраб область ва район партия комитетларига хат йўллаганлар.

Район партия комитети юқори ташкилотларга ёзилган барча хатларни чуқур ўрганди. Ветеран шифокорлар билан маслаҳатлашди. Текшириш якуни район марказий касалхонасида умумий очиқ партия йиғилишида муҳокама қилинди. Зуфаров уч йилда нимани иш қилган бўлса, тарозига қўйилди. Коммунистлар уни ишдан олиш учун арзигулик сабаб йўқ, деган хулосага келдилар.

Лекин уюшган аризачилар ўжарлик қилиб, қайта сайлов ўтказамиз, деб туриб олдилар. Йиғилиш район медицина ходимларининг конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарши томон ҳужумга, зуфаровчилар ҳимоя тайёрлана бошладилар. Участка касалхоналарида, амбулаторияларда шошилинч йиғилишлар ўтказилиб, конференцияга делегатлар сайланди. Қарши томон: «Агар Зуфаров ўрнида қолса ҳолимиз вой, ҳаммамиздан ўч олади!» деб ўйларди. Бу шубҳа уларни ғазаб «оти»га миндириб, қайта-қайта обкомга, райкомга, область соғлиқни сақлаш бўлимига олиб борарди. Зуфаровда эса ўч олиш нияти йўқ, у «Адолат ғалаба қозонади» деган ҳақиқатга ишонарди.

Яна комиссия тузилди. Унинг составига область партия комитетининг инструктори Е. Ю. Липкина, область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Н. А. Паракаева ва бошқа холис кишилар киритилди. Комиссия барча медицина муассасалари ишини комплекс текширишдан ўтказди...

Бугун бўладиган конференция йил бошида ўтказилган очиқ партия йиғилишининг давоми эди. Конференцияга тегишли ташкилотлардан вакиллар таклиф этилган. Кимдир: «Зуфаров келмади, конференцияни қолдирайлик», — деб таклиф қилди. Илгари тузилган ташкилий комитет аъзоларидан бири изоҳ берди: «Ҳозир бош врач масаласи ҳал этилмайди. Унинг бўлиши шарт эмас. Комиссия хулосасини эшитамиз, агар Зуфаровнинг жиддий хатолари аниқланган бўлса, у ҳолда бош врачликка янги номзодлар кўрсатасизлар, улар ўрганилади, сўнг сайлов бўлади».

Ниҳоят, текшириш комиссиясининг раиси Н. А. Паракаева сўз берилди. У Зуфаровнинг ишини холисона баҳолади.

Зуфаров 20 йил раҳбарлик лавозимларида ишлаб қадр топганини, Бўз районида мақтовга лойиқ ишлар қилганини, 1986 йилда область соғлиқни сақлаш бўлими катта ишонч билдириб, уни Хўжаобод район марказий касалхонасига бош врач қилиб юборганини айтди. Зуфаров бу ерда ҳам талабчанликни оширди, ҳаммани ҳалол ишлашга даъват этди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхши томонга ўзгара бошлади. Медицина муассасаларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Болалар ўлими камайди.

Бош врачнинг хатолари: қўпол, қизиққон, юз-хотирни билмайди. Яна бир хатоси: «манман» деган врачларнинг танобини тортиб қўйди. Илгари бош врач бўлиб ишлаган Раҳмонберди Асронов хато қилганида кечирмади. Каримов Қудратилло деган бемор вафот қилди. Текширишда Р. Асронов навбатчи врач сифатида болага яхши қарамаганлиги аён бўлди. Зуфаров бошқа айбдор шахслар қаторида Асроновга ҳам қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Шу-шу Р. Асронов бош врачни ёмон кўриб қолди, ундан ўч олиш учун атрофига аламзадаларни тўплай бошлади.

Илгари районда бош врач, кейин бош врач ўринбосари бўлган Қамиржон Йўлдошев унинг қўлтиғига кирди. Зуфаров, тўғрироғи, область соғлиқни сақлаш бўлими Қодиржон Йўлдошевни ёлғон гапиргани, комиссия келганида иш жойида бўлмагани, Жалолқудуқ касалхонасидан беморларга доридармон олиб келгани бордим, деб алдагани, аслида эса у ерга бормагани учун ишдан ҳайдади.

Аламзадалар тажрибали врач Замира Неъматшоевадан «қалқон» сифатида фойдаланишди. Замира 1987 йили оилавий шароитини айтиб, бош врачликдан бўшатишни сўраб ариза берди. Зуфаров унинг биринчи аризасини олиб қолди-ю, ишдан бўшатмади. Икки ойдан кейин ёзилган иккинчи аризасига қўл қўйиб берди. Ўртада юрганлар фурсатни қўлдан бермай, Зуфаровга Неъматшоевани, Неъматшоевага эса Зуфаровни ёмонладилар. Чақимчилик ўз кучини кўрсатди. Уларнинг оралари бузилди.

Лекин бир йилдан кейин «деди», «дедилар» чиппакка чиқди. Замира Неъматшоева қишлоқ шифокорларининг республика семинарини ўтказишда ташкилотчилик қобилиятини кўрсатди ва яна ўзи ишлаган касалхона бош врачлигига кўтарилди.

Зуфаровга юкланаётган айблар кўп эди: У Муҳаммедов деган кекса врачни малака оширишга юборган, поликлиникага ишга ўтказган. Қ. Эргашевни ўзига ўринбосар қилиб олган. (Ахир, уни область соғлиқни сақлаш бўлими тайинлаган-ку?!) Р. Бекиров, С. Шарофутдинов, Т. Ҳакимовани ишдан ҳайдаган. Т. Зокированинг дилига озор берганмиш. (Улар узрли сабаблар билан ишдан кетишган-ку?!) Т. Ҳакимова Элчибек участка касалхонасига вақтинча ишга олинган эди. Лекин ҳужжатлаштиришда камчиликка йўл қўйилган. Шунинг учун тегишли органлар Т. Ҳакимовага уч ойлик иш ҳақини ундириб берган. Т. Зокирова беморга яхши қарамагани учун бир аёл вафот этди. Нега ҳақиқатни ёзмайсиз, «ёзғувчи» ўртоқлар?

ЗАЛДАН ОВОЗ: «Бўлди, бўлди. Бунақа текширишдан нима фойда? Мақтовнинг кимга кераги бор? Нега марказий касалхонада стерилизация беркитиб қўйилди? Нега СПИДга қарши икки ой қон олинмади?» Ғала-ғовур бўлиб кетди. Райкомнинг биринчи секретари С. Ашуров ўрнидан туриб: «Тартиб сақланглар, ўртоқлар», деди.

Ширмонбулоқ участка касалхонасининг педиатри С. Раимова: «Ёзишмалар тўхтамаяпти. Сабаб: юзаки текшириляпти. Мен райкомга хат ёзиб, ғиғвогар номини олдим», — деди.

Конференция тобора кескинлашиб борарди. Нотиқлар бири қўйиб, бири гапирар, тегса-тегмаса Зуфаровга «тош» отишарди.

«Зуфаровнинг энг ёмон хатоси: коллективни икки гуруҳга бўлиб қўйди. Иккала группа ҳам бир-бирига ишонмайди. Ёқалашишгача бориб етяпмиз. Партбюро секретари Л. Умурзоқов: «Конференция бўлмайди», — бимиз Раҳмонберди Асронов бугун конференция президиумида ўтирибди. У уялмай-нетмай яхши ишлаётган бош врач шанига ноўрин гап қиляпти. Таклифим — Зуфаров ўз бурчини ҳалол ўтаяпти, ҳеч қанақа сайловнинг кераги йўқ...». (Сойибжон Янгибоев сўзидан).

Энди ёзувчи Рустам Раҳмоннинг конференцияда қуйиниб айтган сўзларини эшитинг:

— Мени президиумга сайладиларингиз. Шу боисдан икки оғиз гапиришга ҳақлиман. Хўжаободлик бўлганим учун ютуқларингиздан қувонаман, камчиликларингиздан ачинаман. Районда тарафкашлик қучайиб кетди. Бирон кадр ўзини кўрсатиб қўйса оёғига болта урасизлар. Зуфаров келиб район ёмон бўлмади. Байроқ олдиларингиз. Бу кимнинг обрўси? Сизларники. Бир нарсани сезяпсизларми? Зуфаров эришган ютуқлар баъзи ўртоқларга калтак бўлаётир. «Хўжаободликлар уни сиғдирмайди, буни ҳайдайди» деган гапларни эшитиш қанчалар оғир?!

— Биз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг кўчма Қизил байроғини топширгани келган эдик, — деди область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари В. Ваҳобов. — Район ўтган йил якуни бўйича республикада биринчи ўринни эгаллаган эди. Бу ерда баъзи врачлар гийбатдан бўшамай қолди.

Хуллас, конференцияда ўн тўққиз киши гапирди. Йиғилиш шу билан тамом бўлгандир, деб ўйларсиз. Асло! Зуфаровни бўшатиш ёки бўшатмаслик хусусида катта тортишув кетди. Биров: яширин овозга қўйилсин деса, бошқа биров: ҳозир ошкоралик даври, очиқ овозга қўямиз, дерди. Ниҳоят очиқ овозга қўйилди. 93 делегат сайлов ўтказилмасин, 66 делегат сайлов ўтказилсин, деб овоз берди. Кўпчиликнинг таклифига биноан Абдухалил Зуфаров ўз ўрнида қолдирилди.

Шундан кейин район шифокорларига Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Лекин кўпчиликнинг кайфияти яхши бўлмагани учун бу маросим совуқ ўтди...

БИЗНИНГ ХУЛОСА: Конференцияда аризачилар шанига ҳам, бош врач ва ўринбосарлари шанига ҳам жиддий гаплар бўлди. Бу гаплар замирида ҳақиқат борлигини инкор этиб бўлмайди. Фельетон ёзилгунча ҳам менга кўнгироқлар қилишиб, айрим беморларнинг касаллигини аниқлаш ва даволашда совуққонликка йўл қўйилаётгани, улар малакали кузатилмаётгани, оқибатда ўлим содир бўлаётгани, баъзи айбдор врачлар тергов органларига чақирилаётгани ҳақида айтиб туришди.

Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Район шифокорлари ишида ҳали қусурлар кўп. Ундан қутулиш керак... Бунинг учун коллективда соғлом муҳит яратиш зарур. Хўш, бу вазифани ким бажаради?..

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ИЖОДИЙ УЮШМА

Самимий кулги узоқ умр гарови. Ўзбек халқи азалдан кулгини севади. Бу ҳол, айниқса аскиячилар маскани бўлмиш Фарғона водийсида қадим-қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келган. Ўзбекистон ССР халқ артисти Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номи ҳар бир кулгисевар учун ардоқлидир. Бугунги кунда Юсуфжон қизиқнинг фарзанди Зайнобиддин Юсупов ва бошқа кўплаб шогирдлари кишиларга табассум улашмоқдалар. Устоз ишларини давом эттириш, унинг номини абадийлаштириш ниятида Наманган область комсомол комитети қошида «Ворислар» номли ёшлар ижодий уюшмаси ташкил этилди. Республикада хизмат кўрсатган артист Ленин комсомоли мукофоти лауреати Рустам Ҳамроқулов уюшмага бадиий раҳбар қилиб тайинланди. Ижодий уюшма учта театр студиядан ташкил топди. Қўғирчоқ театр студияси «Шум така» спектакли билан иш бошлади. Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги ҳажв ва ҳазил театр студияси «Кулги кечаси» программаси билан очилди. Программа уч бўлимдан иборат бўлиб, ҳажвий интермедиялар ва юмористик қўшиқлардан ташкил топган.

Уюшма репертуаридаги «Лотерея», «Қўйди-чиқди», «Жабрдийда аёл», «Инсонга кўп нарса керакми?» каби ҳажвий асарлар томошабинларга манзур бўлмоқда. Ушбу асарларда жамиятимизга ёт унсурлар — чайқовчилар, юлғич, порахўр ва бюрократлар танқид остига олинади.

Х. ХОЛМИРЗАЕВ.

• Спорт

ЕШЛАР ҚУВОНЧИ

Оқ олтин районидаги мелиорация техникумида таълим-тарбия ва ўқув машғулотларини яхши йўлга қўйиш, ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш учун шароит яратишга аҳамият берилмоқда. Бўлажак мелиораторлар бу йилги ўқув мавсумини орзиқиб кутишмоқда. Боиси, бўш вақтни мароқли ўтказиш, физкультура ва спорт машғулотлари мунтазамлигини таъминлаш учун қулайлик яратилмоқда. Умуман техникумда жисмоний тарбия машғулотларига алоҳида аҳамият берилади. Бу ерда 372 нафар разрядли спортчи, 85 жамоатчи инструктор, 231 ГТО нишондори тарбияланган ҳам шундан далолат.

— Комсомол ёшлар ташаббуси билан стадион қурилишини ҳашар усулида ниҳоясига етказмоқдамиз, — дейди ўқитувчи В. Ким. — 150 нафар ўқувчи ғайрат кўрсатмоқда. Қурилишга ажратилган маблағ эса тежалмоқда. Биз ана шу маблағга ўқув қуролларини ва ускуналар сотиб олишни мўлжаллаяпмиз. Стадион эса янги ўқув мавсумида фойдаланишга топширилади.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Огарок Валентин Иванович СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг план ва бюджет молия комиссияси раисининг ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан уни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИ КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига 33 ёшдан ошмаган, тўла ўрта маълумотли, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишлаган илғор ишчилар, колхозчилар, СССР Қуролли кучлари сафидан бўшатилган ва ҳарбий қисм, алоқа ва саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ҳамда колхозлардан йўлланмаси бўлган шахслар қабул қилинади.

Кичик медицина ходимлари (кичик ҳамширалар ва санитаркалар) даволаш, санитария-профилактика муассасалари ва аптека, суд-медицина экспертизаси бошқармаларининг йўлланмаси билан қабул қилинади.

Кундузги умумий таълим мактабини битирганлар мактабни тугатганларидан кейин камида 2 йил иш стажига эга бўлиши ва йўлланма берган ташкилотда ишни давом эттириб туришлари керак.

Тайёрлов бўлимига юборилганлар ректор номига ариза, тайёрлов бўлимига йўлланма, ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусха), характеристика, медицина справкаси (086/У форма), 8 та фотосурат (3х4 см), меҳнат давфтарчасидан нусха («шу вақтда ҳам ишлаб турибди» ёзуви кўрсатилган ҳолда) топширилади.

Ҳарбий билет ёки гувоҳнома, паспорт шахсан кўрсатилади.

ҲУЖЖАТЛАР 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГА ҚАДАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов бўлимига ўтказилган суҳбат натижасига кўра институт ректорининг буйруғига биноан қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР 20 НОЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тайёрлов бўлимининг тингловчилари ойига 40 сўм стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Мурожаат учун адрес: 700109, Тошкент шаҳри, Медгородок, 10-корпус (10, 28, 34, 82, 100-автобусларнинг «Медгородок», 15, 16-трамвайларнинг «29-мактаб» бекати).

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КООПЕРАТИВЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САНИИРИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ (ТЭПП) МЕЛИОРАТИВ ҚУРИЛИШ ВА ЕРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН МАХСУС МАШИНАЛАРНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

ТЭПП КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ МАШИНАЛАРНИ ЧИҚАРМОҚДА ВА 1989 ЙИЛНИНГ III КВАРТАЛИДА УЛАРНИ СОТИШИ МУМКИН:

ДЭТ-250 трактори базасидаги **ДБ-252 траншеясиз дренаж ётқизиш машинаси** — диаметри 160 миллиметрлик эгилувчан пластмасса трубалардан 2,5 метргача чуқурликка ётқизиладиган горизонтал ёпиқ дренаж қуриш учун ишлатилади. Меҳнат унумдорлиги — соатига 1180 метргача (сотиладиган машиналар сони — 3 та, тортиш механизмисиз улгуржи сотиш баҳоси тахминан 98 минг сўм);

ЭТЦ-252 базасидаги **ДУ-301 тор траншеяли дренаж ётқизиш машинаси** — диаметри 200 миллиметрлик эгилувчан пластмасса трубалардан 3 метргача чуқурликка ётқизиладиган горизонтал ёпиқ дренаж ётқизиш учун ишлатилади. Меҳнат унумдорлиги — соатига 135 метргача (сотиладиган машиналар сони 8 та, улгуржи баҳоси — тахминан 39 минг сўм);

Т-100 тракторидаги **РН осма тупроқ юмшатиш машинаси** — қаттиқ ерни IV категориягача 400 мм. дан 600 мм. чуқурликкача юмшатиш учун ишлатилади. Меҳнат унумдорлиги — соатига 0,9 гектаргача (сотиладиган машиналар сони — 4 та, улгуржи баҳоси — тахминан 23 минг сўм);

СССРда ҳам, чет элда ҳам ўхшаши бўлмаган **ПК-0,8 коллекторларни ювиш машинаси** — горизонтал ёпиқ коллектор-дренаж системалар ва кўриш қудуқларини лойқадан тозалаш учун ишлатилади (тозалайдиган коллекторнинг диаметри — 0,25—0,8 м. чуқурлиги — 6 метргача, лойқаланиш даражаси — 100 фоизгача, меҳнат унумдорлиги соатига 8,8 кубометр). Сотиладиган машиналар сони — 2та, тахминий баҳоси 49 минг сўм;

узунлиги 300 метрлик полиэтилен плёнкадан ясалган диаметри 210 метрлик, транспортировка қилинадиган ва суғориш труба қувуридан иборат КОП-200 суғориш комплекти — ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун ишлатилади ва 500 комплектдан сотилади. улгуржи баҳоси — 148 сўм.

ТЭПП, ШУНИНГДЕК ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ ВА СОТАДИ:

диаметри 75, 110, 125, 160 мм. бўлган гофрланган дренаж трубалари — 1 метрининг баҳоси — 32, 74 ва 86 тийин;

диаметри 75 мм. бўлган силлиқ участкали, гофрланган суғориш трубалари — 1 метрининг баҳоси — 55 тийин;

диаметри 75, 110, 125 ва 160 мм. бўлган, перфорацияланмаган гофрланган трубалар.

ДАЛА ХОВЛИ, ШАХСИЙ УЙ ЭГАЛАРИ ВА ЕР УЧАСТКАСИГА ЭГА БЎЛГАН КИШИЛАР

ДИҚҚАТИГА!

САНИИРИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ҚАРАШЛИ ТЭПП КОРХОНАСИ ХЎЖАЛИГИНГИЗГА ЗАРУР БЎЛГАН ҚУЙИДАГИ ТОВАРЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ:

Рўзғор души — осон йиғилади ва ишлатилади, бак сиғими 150 л. Тахминий баҳоси — 100 сўм.

«Мироб-1» суғориш комплекти — ишлатишда қулай ва ишончли: трубалари занглашга чидамли, осон монтировка қилинади. Суғориш майдони — 0,04 гектар. Тахминий баҳоси — 16 сўм.

Универсал шкаф — буюмлар, ҳужжатлар, қуролларнинг пухта сақланишини таъминлайди. Шкаф размерлари: 400х500х130 мм. Тахминий баҳоси 50 сўм.

Квартираларни ремонт қилишда ишлатиладиган 4, 6, 8 ва 10 мм. қалинликдаги **филенка** (нозик чизиқ) **тортиш учун мослама.** Тахминий баҳоси — 3 сўм 40 тийин.

Корхона адреси: 700069, Тошкент шаҳри, Ғалаба кўчаси, 1-уй. Телефонлар — 48-15-01, 48-10-53.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент экспериментал ишлаб чиқариш корхонаси

«Союзреклама» бирлашмасининг Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

«генетика» ихтисоси бўйича ғўза амалий генетикаси лабораториясининг мудири (фан доктори ёки кандидати)

вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 18 августгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700125, Тошкент шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй. Телефон — 62-05-27.

Тошкент гидрометеорология техникуми коллективи ўқув гидрометеорология станциясининг техник-агрометеорологи

Илҳом Исмоилович ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ҳамза номли Ўзбек давлат академик драма театри коллективи ишлаб чиқариш бошқармасининг раҳбари М. Тўрабекова онаси

Раҳбар ТУРАБЕКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 01704. Б. — 189. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12